

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Тарих факультети

КУРС ИШИ

Мавзу: жанубий-шарқий осияда буддизм

Бажарди: Дадабоев Н.
Текширди: Бийкўзиев А.

Тошкент 2014

РЕЖА

Кириш

1. БОБ. ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁГА БУДДИЗМИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ.

1.1. Жанубий-Шарқий Осиёда буддизм тарқалишининг бошланиши.

1.2. Илк тай давлатларида буддизмнинг вужудга келиши.

2. Боб. ЖАНУБИЙ ШАРҚИЙ ОСИЁ БУДДИЗМИНИНГ АХЛОҚИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНИНГ ДИНИЙ ИБОДАТЛАРДА ЮЗАГА КЕЛИШИ

**2.1. Тай буддизмининг айрим ўзига хос хусусиятлари ва унинг Жанубий-
Шарқий Осиё халқлари маданиятида бевосита таъсири**

2.2. Жанубий-Шарқий Осиё будда адабиётларининг ривожланиши

2.3. Буддизм билан боғлиқ диний эътиқод тизимлари.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг тарихий тақдирида туб ўзгаришларга олиб келди. Ҳар томонлама миллий уйғониш учун йўл очилди. Мустақиллик иқтисодий ислохатларни амалга оширишга, маънавий соҳада миллий ўз-ўзини англашнинг уйғониши ва тараққий этишига кучли таъсир кўрсатди.

Бу янгилашниш жараёнларида тарих фани долзарб вазифани ўтайди. Мустақилликка эга бўлгандан кейин тарих фани ўзининг азалий ижтимоий йўналишини тиклаб, тарихий воқеа-ҳодисаларни объектив равишда ёритишга ёрдам берди, халқнинг тарихий хотирасини тиклаб, ахлоқий тарбия манбаига айланди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъбири билан айтганда: “Тарих – бу халқнинг маънавий асосидир”¹.

Мустақил Ўзбекистон олдида Осиё минтақасининг бошқа давлатлари билан яқин дўстлик алоқаларини ўрнатиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритганидан кейин биринчилардан бўлиб, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишни бошлади². Мазкур минтақа давлатларининг муҳим қисми анъанавий буддизм тарқалган маконга айланганди. Бу мамлакатлар аҳолиси ҳаётининг деярли барча жабҳалари мазкур дин билан боғлиқ. Айнан бу дин кўриб чиқиладиган минтақа аҳолисининг этнографик ўзига хос хусусиятларининг кўпгина томонларини муҳим маънода аниқлаштиради.

Ўзбекистон мазкур минтақа мамлакатлари билан янада муваффақиятлироқ яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини олиб бориши учун, бу минтақа ҳудудида тарқалган буддизмнинг ўзига хос хусусиятларини ва тарихини ўрганиш ўта муҳим. Тадқиқ этиладиган ҳудудда тарқалган буддизмнинг минтақавий ўзига хос хусусиятларини ва у билан боғлиқ этнографик фарқ хусусиятларини англамай туриб, минтақа мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамжиҳатлик асосида бир-бирини тўла тушунишга эришиш мумкин эмас. Буддизм нафақат дин сифатида ва шу қадар ҳаёт тарзига айланган Таиланд мазкур минтақа мамлакатларидан бири. Ўзбекистон ва бу мамлакат ўртасида иқтисодий соҳа билан бир қаторда маданий жабҳаларда ҳам алоқалар ўрнатилган³. Бундан ташқари, бу мамлакат бир мунча қадимийроқ ва буддизмнинг ўзига хос хусусиятлари тарқалган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудида буддизм маданияти ва тарихини ўрганишда Таиланд доираси билан чегараланиш мақсадга мувофиқ бўларди. Шу билан бирга бу, минтақада буддизмнинг кенг кўламда тарқалганлиги билан боғлиқ. Шунингдек, минтақанинг барча мамлакатларида буддизмнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва батафсил тадқиқ қилишнинг қийинлиги ва ишнинг ҳажми ҳам бизни бир оз чеклашга мажбур қилади.

1. БОБ. ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁГА БУДДИЗМИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ.

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Асарлари. Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. VII. – Б. 140.

² Қаранг.: Нишанов, Д. Б. Внешняя политика Республики Узбекистан :в 90-е годы XX века. Дисс... канд.ист. наук. М., 2008.

³ Қаранг.: <http://podrobno.uz/cat/calche/Uzbekistan-i-Tailand-podpisali-soglashenie-o-sotrudnichestve-v-sfere-kulturi/>;
<http://thaisabai.ru/uzbekistan-nalazhivaet-sotrudnichestvo-s-tailandom/>

1.1. Жанубий-Шарқий Осиёда буддизм тарқалишининг бошланиши.

Археологик, эпиграфик, хитой ва европа йилномалари маълумотлари бўйича фикр юритадиган бўлсак, Ғарбий Ҳиндихитой ҳудудида буддизм қарийиб эрамизнинг II асридан бошлаб тарқала бошлайди⁴. Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудида буддизмнинг пайдо бўлиши ҳинд колонизацияси билан боғлиқ. Ҳинд экспансияси даври ва унинг ҳудуди кўпинча тарихий феномен сифатида қаралади, унинг сабаблари ҳозирги вақтгача далилий изоҳ билан исботланмаган. Бу экспансиянинг сабаблари тўғрисида бир қанча гипотезалар мавжуд: Ашока томонидан Калинги давлатининг тор-мор этилиши (эр. авв. III аср), Ҳиндистоннинг Марказий ва Шарқий ҳудудларига кушонларнинг бостириб кириши (тахм. эрамизнинг I асри), ҳиндларга денгиз ортида юқори табақа излаш бахтига рухсат берилиши, савдо-сотиқ мақсадида; қачонки, ҳиндлар 600-700 одам сиғадиган катта кема қуришни ўрганганларида, II-III асрда Ҳиндистонда кемасозликнинг ривожланиши; Ҳиндистоннинг турли ҳудудларида буддизмнинг юқори поғонага кўтарилиши билан боғлиқ диний сабаблар, масалан, II-IV асрда Амараватида, брахманларнинг қувғин қилиниши ва аксинча будда динига сиғинувчи кишиларнинг қувилиши (будда динига сиғинувчилар табақачилик тўсиқлари ва ҳиндларга янги динга муомала қилишни ман қилувчи, ирқий покизалик концепциялари туфайли ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар). Бутун бошли жамоалар яхшироқ ерни излаш мақсадида бошқа денгиз орти мамлакатларига кўчиб кетдилар⁵. Эр. ав. I м й. ўрталарида Шимолий Ҳиндистонда ташкил қилинган монархия давлати билан шаҳарлари ва республика давлати ўртасидаги кураш эҳтимол, Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудига юқори табақага мансуб ҳиндларнинг кўчиши сабабларидан бири бўлди. Узоқ давом этган кураш, ўз мустақиллигидан маҳрум бўлган ган ва сангх республикасининг мағлубияти билан тугади. Сўнгги Гупта даврида ган ва сангх батамом йўқ бўлиб кетди⁶. Қирғоқ бўйи республика давлатлари ва шаҳарларидан бўлган айрим ўзига тўқ ёки оддий оилалар Жанубий-Шарқий Осиёнинг ҳиндлаштирилган давлатларидан ўзларига бошпана топдилар. Ҳиндистоннинг барча шарқий портлари Тамралиптагача (Тамлука) ҳинд экспансиясига ўзларининг ҳиссасини қўшганлиги, айниқса Ҳиндистоннинг Жануби бунда катта роль ўйнагани эҳтимолдан холи эмас.

Илк ҳинд кўчувчилари совғалар, туморлар, даволаш усуллари ва ҳ.к. ёрдамида маҳаллий раҳнамолар билан дўстлик муносабатларини

⁴ Мазкур ҳудудлар бўйича илк маълумотлар эрамизнинг қарийиб I-II асрида тузилган хитой ва европа йилномаларида ўз аксини топган. Эҳтимол, Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудига илк будда миссионерлари шох Ашока томонидан жўнатилган. Аммо Ғарбий Ҳиндихитой қирғокларида уларнинг бўлиши тўғрисида археологик далиллар топилмаган.

⁵ Штейн В. М. Экономические и культурные связи между Китаем и Индией в древности (до III в. н. э.), М., 1960.

⁶ Қаранг.: Ганалар ва сангхалар бўйича: Бонгард-Левин Г. М., Ильин Г. Ф. Древняя Индия, М., 1969. С. 404–413. Мазкур республика давлатларининг аста-секинлик билан барҳам топиши даврида (қарийиб III-IV аср), Жанубий-Шарқий Осиёга ҳинд кўчувчиларининг кўчиб келиши кескин равишда кўпайди.

мустаҳкамлашга тўғри келди. Уларнинг айримлари раҳнамоларнинг қизларига уйландилар. Кейинчалик иккита юқори табақага мансуб бўлган ўқимишли ҳиндлар пайдо бўлди. Улар Жанубий-Шарқий Осиё цивилизациясининг пайдо бўлишида катта роль ўйнадилар. Эҳтимол, брахманлар ўзларининг ҳокимияти ва нуфузини мустаҳкамлаш учун маҳаллий раҳнамоларни ўзларига жалб қилдилар. Маҳаллий ҳукмдорлар брахманлар орқали брахман-кшатрий таълимотига асосланган шиваит концепцияси билан танишдилар.

II-III асрда Жанубий-Шарқий Осиё (Тайланд, Мьянма, Кампучия, Вьетнам, Малайзия ва Индонезия) мамлакатларига кенг кўламда ҳинд миграцияси бошланганда, кўчиб келганлар дарё дельталарида ўхшаш маданият ва цивилизацияга дуч келдилар. Ва бу ўқимишли ҳиндларга янги диний таълимотни тарқатиш ва ҳинд санъати ва санскрит тилини ўқитишни енгиллаштирди. Таркибий қисми индуист ёки будда диний маросимлари бўлган подшоҳ ҳукумати индуист концепциясига асосланган, санскритчада баён қилинган “Пуран” афсонаси, Жанубий-Шарқий Осиё ҳиндлаштирилишини бир маданиятнинг тарқалиши сифатида қараш мумкин. Жанубий-Шарқий Осиёда ҳинд цивилизацияси барча аҳолига эмас, фақат энг сара кишиларнинг цивилизацияси эди. Шунинг учун бу цивилизация ҳиндлаштирилган шаҳарларда ва шаҳар-давлатларда ва сезилмас даражада кишлоқ ҳудудларида ўзининг рамзий тимсолига эга бўлди. Дастлаб умумий тарзда индуист ва будда оламига оид айвон шаклига тақлид қилиб қурилган Жанубий-Шарқий Осиёнинг бу илк шаҳарлари, худо-подшоҳ саройи ва тош ёки ғишт ибодатхона ва уйлардан ҳимояланган, ёғоч қалъа ёки тош девор билан ўралган. Сарой ўртасида одатда ёғоч, давлатнинг диний дунёвий қудрати рамзи - илоҳий Меру тоғи тасвирланган тош ибодатхона жойлашган. Ибодатхона олдида сарой аъени брахманларнинг уйи бўлган. Худо-подшоҳ саройини сеҳрли афсун дуолари ёрдамида худо-подшоҳ атрофини сирли ва назокатли вазиятни кўллаб-қувватлаши лозим бўлган шоирлар ва руҳонийлар, сарой амалдорларининг уйи қуршаб олган эди⁷. Саройда фалсафий-диний ҳинд таълимоти билан боғлиқ ҳаёт тарзи яратилган эди. Ҳинд маданияти одатда қонунлар (дхармашастрлар), трактатлар (шаштрлар), сиёсий трактатлар (артхашаштрлар) каби санскрит китоблари орқали ўзлаштирилди. Ҳинд кўчиб келувчилари эса ўзларининг маданияти тарғиб қилишда катта роль ўйнадилар. Ҳинд маданияти ҳиндлаштирилган шаҳарларда шундай машҳурликка эришдики, маҳаллий аслзодалар ҳинд номларини қабул қилдилар, ҳукмдор сулолалар эса ўзларининг шажараларини ҳинд брахманларига ва кшатрия аслзода уруғларига ва айнан подшоҳ Ашоканинг ўзига нисбат бердилар⁸. Ҳиндлар маҳаллий аслзодаларга фақатгина ўзларининг маданиятини ва қайта ишланган маъмурий тизимини эмас, балки техника бошқарувини, бегона мамлакатда янги шароитга мослашиш усуллари ҳам олиб кирдилар.

Ҳиндихитой қирғоқларининг ғарбида аста-секинлик билан мазкур ҳудуднинг дастлабки давлатларига диний таъсир манбаини қўювчи, маҳаллий

⁷ О космологической морфологии ранних городов Юго-Восточной Азии см.: Bastin J., Benda H. J. A History of Modern South-East Asia. Colonialism, Nationalism and Decolonization. New Jersey, 1968. P. 4-5.

⁸ Бонгард-Левин Г. М., Ильин Г. Ф., Древняя Индия, М., 1969. С. 694.

ҳиндлашган диний ва дунёвий гуруҳлар юзага келди: давлатлар пью (Иравади дарёсининг ўрат оқими); монлар (Бирманинг жанубий қисми ва Менам дарёси дельтаси билан бирга, Таиланднинг ғарбий қисми); Фунань (Меконг дарёсининг қуйи қисми).

Ҳинд кўчиб келувчилари ва савдогарлари билан бирга буддизмнинг турли хил стхавиралар, муласарва-стивадиналар, махасангхикалар, сарвастивадиналар саутрантикалар ва б. мактаб ва секталарига мансуб будда руҳонийлари ва миссионерлари ҳам келишди. Шунга қарамасдан, тахминан IV-V асргача бу ҳудудда фақатгина шартли тарзда буддизмнинг таъсири тўғрисида гапириш мумкин. Қайта ишланган теологиясига эга бўлмаган, ҳукмдор сулоланинг нуфузи ва шон-шуҳратини оширишга қодир бўлган Хинаяна буддизми диний-ахлоқий таълимотлардан бири бўлди. Шунинг учун аслзодалар бу таълимотга сабрли бўлиб, унга лоқайдларча қарадилар. худо суратидаги мавжудот–бодхисатвларни диний кадрлаш билан боғлиқ, пировардида маҳаллий диний сиғиниш ва у билан боғлиқ маросимлар ва индуизмнинг мифологик тузилишига осонгина мос тушган диний топиниш, Махаяна буддизмида “Будданинг улкан космик танаси” теологик тизимнинг яратилиши жараёни ҳали ниҳоясига етмаган эди⁹.

Эрамининг V асргача табақа бўлинишига амал қилувчи ҳинд аҳолиси динида ва ортодоксал культлари (брахманизм, вишнуизм, шиваизм индуизм) энг муҳим ўрнини эгаллади. Индуизм ва буддизмнинг халқ диний этиқодига кириб келиши тўғрисида эпиграфика ва йилномаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди.

Ғарбий Ҳиндихитой ҳудудида буддизмнинг мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи илк архелогик топилмалар тахминан V-VII асрларга бориб тақалади. Бу биринчи навбатда, Банпонг бекатидан унча узоқ бўлмаган (Бангкокдан тахминан 100 км ғарбда) Понгтук кичик қишлоқ ҳудудида олиб борилган қазиш ишлари жараёнида топилган будда ибодат иншоотлари, ибодатхона мажмуалари ва скульптура (хайкал) шаклидаги тасвирларнинг қолдиқлари эди. Қазиш ишларига раҳбарлик қилган Ж. Сёдеснинг фикрига кўра, қазиб ўрганилган бу қадимги иншоот VI асргача монамилар томонидан яратилган ва тахминан X асргача яъни кхмерларнинг келишига қадар мавжуд бўлган. V-VI асрларга мансуб бўлган бу қадимги будда ибодат иншооти - Бобожи, Пэяжи и Пэяма ступалари – қадимги пью пойтахти – Таякетая ўрнида бизгача сақланиб қолган¹⁰. Ғарбий Ҳиндихитойнинг ўтмиш давлатлари: Пью, Дваравати, Лаво, Харипунжая, Фунань ҳудудидан топилган дастлабки будда иншоотлар, ёдгорликлар ва матнлар тахминан V-VII асрларга бориб тақалади.

⁹ Эҳтимол, Махаяна ва Хинаяна канонигача бир манбага бориб тақалади. Мил. Ав. II-I асрлар ва эрамининг I-II асрларида яратилган ва Будданинг ҳаёти тўғрисида баён қилувчи “Лалитавистара” (сарвастивадинов мактаби, санскрит), “Махавасту” (махасангхика, санскрит), “Ниданакатха” (тхеравада, пали), “Буддхачарита” Ашвагхоши (санскрит) каби қадимги матнлар, шунингдек, «Пратимокши-сутра» (пали ва санскрит), «Дигхакикая», «Суттанипата», «Маджджхиманикая» (пали) ёки «Саддхармапундарика» (санскрит) ва «Милинда панха» (пали) матнлари ҳақиқий далиллар, тавсифлар, концепциялар, бизгача етиб келмаган бир-бирига боғлиқ бир манбани ўз ичига олади. Пали ва чатишган санскрит ёки пракриритах тилидаги бир хил маъноли кўпгина будда атамаларини аниқлаган Ф. Эдгертон ва тилшунослик тадқиқоти ҳам бу ҳақда таъкидлайди.

¹⁰ Ожегов С. С. Архитектура Бирмы. М., 1970. С. 23–24

Энг дастлабки диний топилмалар бу гандхар, Амарвати ва гупта мактабларига тегишли бўлган турли хил будда рамзий тасвирлари: ғилдирак, соябон, бўш турган тахт, буғу ва унча катта бўлмаган Будда ҳайкаллари. Булар ҳинд усталари ёки ҳинд тимсолларига тақлид қилган тарзда маҳаллий усталар томонидан бажарилган.

Археологик топилмалар II асрдан бошлаб Ҳиндихитойда буддизмнинг ихлосмандлари бўлганлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Ҳиндлар томонидан мустамлакага айлантирилган ҳудудларда ёғочдан қурилган бир мунча кўп будда ибодат иншооти ва ибодат мажмуалари бўлган, шунга кўра улар изсиз йўқолиб кетганлиги тўғрисида тахминий фикр юритиш мумкин. Фактгина V асрдан бошлаб мазкур ҳудудда тош ёки ғиштдан қурилган диний иншоотлар пайдо бўлади. Бироқ, VI-VII асргача буддизм тўғрисида ҳеч қандай маълумот учрамайдиган эпиграфик ва йилномалар бўйича фикр юритадиган бўлсак, Жанубий-Шарқий Осиёнинг илк давлатларида бу дин сезиларли роль ўйнамаган.

Тахминан VII-VIII асрдан бошлаб мазкур ҳудудларда бошқача манзара кўзга ташланади яъни мадхьямиклар, тантристлар, йогочарлар каби буддизмнинг махаян мактабини шакллантирувчи шунингдек, махаяна ва хинаяна мактабларининг сарвастивадинлар бошқа секта издошлари ва санскрит канонларини тан оловчи муласарвастивадинлар сектаси тарафдарлар пайдо бўлади. Сёдес, Жанубий-Шарқий Осиёда махаяна буддизмининг тарқалишини Наланда (Шимолий Ҳиндистон) университети роҳибларининг миссионерлик фаолияти билан боғлиқ бўлган, деган ўзининг тахминий фикрларини илгари суради¹¹. Наланда университетида роҳиблари сутраларни, мантиқни, метафизикани, санскрит тили грамматикасини ўрганарди. Наланда университети фақатгина барча Ҳиндистонд олимларини ўзига жалб қилибгина қолмасдан, бошқа Шарқ мамлакатлари олимларини ҳам ўзига жалб қилувчи “мунозара мактаби” сифатида дунё миқёсидаги шарафга сазовор бўлган эди. Шунга ўхшаш мунозара мактаблари буддизм, брахманизм, индуизм, жайнизм ва бошқа диний таълимотларни яқинлаштиришга катта ҳисса қўшди. Бундай баҳс-мунозаралар жараёнида “халос бўлиш” муваффақиятлари йўллари тўғрисида, бодхисатвларнинг роли тўғрисида, дхармакаи – “Будданинг улкан космик танаси” тўғрисида, карма тўғрисида, бошқа шаклда тасвирлаш, нирвана (будда дини таълимотига кўра бу дунё ташвишларидан кечиб ўзини роҳат-фароғатда сезиш) ва ҳ.к. фақатгина махаян буддизмининг фалсафий концепциялари эмас, будда жамияти ва мирянами ўртасидаги ўзаро муносабатлар, дунёвий ва диний ҳокимият ўртасидаги, монастирларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва ҳ.к. муаммолари аниқланди ва аста-секинлик билан аниқ бир шаклга келтирилди. Гарчи бу муаммолар деярли ўрганилмаган бўлсада, VI - VII асрнинг биринчи ярмида ўзининг гуллаб-яшнаган даврига эришган Наланда университети каби бундай марказлар,

¹¹Наланда университети ҳақида батафсил маълумотлар VII асрда мазкур университетда бўлган хитой зиёратчилари Сюань Цзан ва И Цзин асарларида баён қилинади. (Сюань-цзан. Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи). М., 2012).

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида махаян буддизми ўзининг тантанали тараққий этишини бошлайди дея тахмин қилиш мумкин.

IV-IV аср хитой зиёратчилари томонидан шу қадар ёрқин тарифланган будда роҳиблик ҳаёти, “Винаи питаки” диний матнларда келтирилган роҳиблик ҳаётидан сезиларли даражада фарқ қилган. Хитой маълумотларида монастирлар бошқача хусусият касб этади: уларнинг айримлари будда фалсафасини ўрганиш маркази сифатида машҳур бўлган. Айнан бу марказлар қадимги Ҳиндистон ҳаётига маданий таъсир кўрсатган (эҳтимол, ҳиндлаштирилган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам шунга ўхшаш жараёнлар содир бўлган). Бу типдаги монастирлар аниқроғи чекка хилват жой, монастирдан кўра кўпроқ ўша давр турли хил интеллектуал ҳаётни ва барча бойликларни ўзига жалб қилган маданий марказ бўлган. Амаравати, Наланд, Одантапур, Викрамасил и Жаугадада бой кутубхонаси, мактаби, маъруза зали, ўқитувчиси ва Осиёнинг барча минтақаларидан келган тингловчилари билан роҳиблик университетлари мавжуд бўлган.

Тадқиқотчиларнинг турли ишларида келтирилган далиллар ва асосларни таққослаб, қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1) VI асргача Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида буддизм Ҳиндистондаги сингари бир-бири билан кескин мунозарали кураш олиб борган турли мактаб издошлари томонидан ифодалаб берилган;

2) тахминан VII асргача маҳаллий аслзодалар нигоҳида буддизм фалсафий теранлик ва пураник динга систематик яқунланиш бўйича ён бердилар;

3) пураник дин оммавий онгга суқилиб кирмасдан, фақат ижтимоий тузум ва бошқарувнинг ташқи тузилишини аниқлаб берган;

4) Жанубий-Шарқий Осиёнинг ҳиндлаштирилган давлатлари ҳукмдорлари барча аҳолига пураник диннинг таркибий қисми сифатида дхармашастра билан тенглаштирилган одоб-ахлоқ нормалари риоя қилишга амр берди;

5) дхарманинг кўпгина концепциялари айнан буддизм томонидан қайта ишланганидек ва унинг ижтимоий аҳамиятини юзага келтирганидек, дхарма айнан одоб-ахлоқ нормалари сифатида тарқалган мазкур давлатлар аҳолиси орасида буддизмнинг тез орада ўзлаштирилганлигида деб изоҳ мумкин;

6) VII асрдан бошлаб пураник дин яъни буддизм ва жайнизм таълимотларини яқинлаштиришда сезиларли роль ўйнаган, Ҳиндистон “мунозара мактаблари” ни тузган, маҳаллий намоёндалар буддизмнинг теологик концепциясини қабул қила бошлайди; эҳтимол, шунга ўхшаш монастир “мунозара мактаблари” Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида ҳам фаолият олиб борган;

7) V-VI асргача Жанубий-Шарқий Осиёнинг айрим мамлакатларида олимлар V асрда яшаб ўтган Буддагхоши и Жаммапалининг ишлари туфайлигина маълумотга эга бўлган, хинаян буддизмининг тхеравадинлар тариқатининг тарқалганлиги тўғрисида даргумон далолат беради.

1.2. Илк тай давлатларида буддизмнинг вужудга келиши.

Таиланд аҳолисининг диний дунё қараши ва маданиятининг ривожланиши айниқса Сукхотайя, Ланна и Аютии тарихи билан боғлиқ. Мазкур ишнинг асосий мақсади тай буддизмининг ўзига хос хусусияти ва унинг замонавий таиланд жамиятида тутган ўрнини ёритиб бериш, шундай экан диний дунё қарашининг ўзгариши таиланд жамиятидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлигини назарда тутадиган бўлсак, биз фақат тай маданияти ва ижтимоий ҳаётининг диний жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Таиланд олимлари одатда тай буддизмининг шаклланишига таъсир кўрсатган асосий тўртта буддизм шакллари ажабланиб кўрсатадилар: буддизм тхеравада ёки жанубий буддизм; махаяна буддизми ёки шимолий буддизм; бирма ёки паган буддизми; цейлон буддизми (Ланкавама). Гарчи бу масала мунозарали бўлсада, бизнинг фикримизча шунга ўхшаш буддизм шакллари кўшиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Эҳтимол, буддизмни аниқлаштириш жараёнида қайси буддизм ҳақида - оддий халқчиллик ёки монастырлик буддизми тўғрисида гап кетаётганлигини билиб олиш лозим. Монастир буддизмини стхавира, мадхьямика, йогочара, чань, амидизм, тантриклик, ламаизм, Хинаяна, Махаяна каби мактаблар ва йўналишларга бўлиш мумкин. Оммавий буддизмни эса Цейлон, Хитой, Тибет, Таиланд, Бирма ва ҳ.к. каби миллий буддизмнинг шакллари сифатида қараш керак. Буддизмнинг миллий шакли маҳаллий аҳолининг диний эътиқоди ва маданий мажмуаси билан бирга буддизмнинг диний-ахлоқий тизими ва турли мактабларнинг фалсафий таълимотининг қўшилиши жараёнида юзага келган. Буддашунос олимларнинг кўпчилиги каноник матнларида баён қилинган, оммавий ва монастыр буддизмини Будда таълимотининг турли даражаси сифатида қарайди. Бундай қарашлар жараёнида халқчил буддизм турли мамлакатларда бир хил кўринишга эга. Аниқроғи бошқача шаклда ифодалаш тўғрисидаги концепция, карма ва хайрли хизматлар (савоб) гарчи ҳақиқатда халқчил буддизм ҳар бир давлатда жамият дунё қарашига ва ижтимоий муносабатларига мос бўлган у ёки бу тартиб қоида ва ҳуқ-атвор қоидаларини танлаб олиш ҳисобланади¹². Мазкур тахминий фикрлардан келиб чиқиб, буддизмнинг махаяна шакли жанубий буддизм ёки тхеравада ва сингал буддизми Махавихари тариқатининг тай буддизмига таъсири тўғрисида аниқ мулоҳаза юритиш лозим.

XIII-XIV асрларда санаб ўтилган буддизм шакллари устун бўлган ҳудудлар, ўз навбатида, кўпгина асрлар давомида, тай давлати пайдо бўлганга қадар, турли халқларнинг мустамлакасига ва ҳужумига дуч келган; мазкур ҳудудларда бир-бирини ўрнини босувчи ёки биргаликда пураник динлар ва турли буддизм шакллари мавжуд бўлган. Ҳозирги Таиланд мамлакатининг марказий қисми бир мунча қадимий цивилизация ўчоғи ҳисобланади. VII аср ўрталарида Хитой зиёратчиси Сюань Цзан Камбожининг ғарбида жойлашган До-ло-бо-ди подшоҳлигига ташриф буюради. Кўп марта ўзгартирилган бу ном сиам пойтахти Аютии (1350 йилда асос солинган) ва Бангкок (1782 йилда асос

¹² Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, «Сигала сутта» («Сигаловада сутта»), «Маха Мангала сутта», «Парабхава сутта» ва ҳ.к. матнларида баён қилинган, буддизм асосий диний тизим ҳисобланган ҳар қандай аниқ жамият ўзаро муносабатлари тизими ва ахлоқ-одоб қоидалари билан, мирян ўртасидаги ўзаро муносабатлар қоидалари ва диний-ахлоқ нормалари қоидалари билан таққослаш kifоя.

солинган) расмий номларида сақланиб қолган Дваравати давлати номига мос келади. Аютиининг тўла номи – Крунг Девамаханагара Парава Дваравати Си Аютъя Махатилака Пхаванаваратна Рачадхани Пурирамаи. Бундан ташқари, Менаманинг куйи оқимида, Лопбуридан шимолда Ратбуриининг жанубий-ғарбигача ва Прачинбуриининг шарқида, Лаво ёки Лопбури сингари IX асргача маълум бўлган мазкур ҳудудда Двараватининг мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумот берувчи буддавий археологик ва эпиграфик материаллар топилган. Након Патомма и Лопбури қадимги ёзувлари эски мон тилида ёзилган бўлиб, бу эса Дваравати аҳолиси асосан мон бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Лопбуридан топилган ёдгорлик тоши (1022-1025 йилларга бориб тақалади) XI асрнинг бошларида Менама дарёсининг куйи қисмида Менам дарёсида Сукхотая – Саванкалока ва Меконг дарёсидан Луанг Прабангача тарқалган кхмерларнинг экспансияси тўғрисида гувоҳлик беради. Бу тош ёзувлари бизга Сурьявармана I роҳиби даврида, буддизмнинг иккита мактабига таалукли бўлган махаяна и стхавира ва Лаво (Дваравати)да брахманлар бир-бирлари билан ҳамжиҳатликда яшаганлигини баён қилади. кхмерлар даврида Лопбури ҳозирги Таиланднинг Марказий ҳудудида асосий маданий ва диний марказ бўлди. “Лопбури мактаби”га тегишли кхмер скульптурасининг катта қисми мазкур ҳудуддан топилган. Лопбури ҳудудида будда монументлари ва тасвирлари устун бўлса ҳам Дваравати давлати давридан эга бўлиб келган ва кхмерлар пайтида ҳам буддизм муҳим позицияни сақлаганлигидан гувоҳлик беради.

Двараватининг ғарбида пойтахти Моза бўлган Пью давлати (Промадан унча узоқ бўлмаган) жойлашган. Бу шаҳар жойида сўнгги гупта стилига тегишли бўлган будда тасвири топилган. Мазкур ҳудудда тхеравади буддизми тарқалганлиги ҳақида тахминий фикр юритиш мумкин. Бу тхеравадинлар сектаси санскрит тилидан фойдаланган. Эҳтимол, бу Магадхидан бўлган муласарвастивадинларнинг сектаси бўлган.

Тахминан VII асрнинг охирларида Суматре и Малайск ярим оролида Шривиджайя давлати гуллаб-яшнаши бошланган. Хитой сайёҳи И Цзин (VII аср.), Шривиджайяда бир пайтнинг ўзида турли хил будда мактаблари мавжуд бўлган йирик будда маркази бўлганлиги тўғрисида таъкидлайди. Шунингдек, у муласарвастивадинлар сектаси, махаяна мактаби, шу жумладан йочогаров ва унинг асосчиси «йогачарабхумишастра» Асангининг меҳнатини қайд қилади. Си Таммаратеда Сема Мианг монастири деворида 775 йилда ёзилган қадимги санскрит ёзувида Падмапани и Ваджрапани Будда ва божхисатв тасвирлари тилга олинади. Сайлендрлар сулоласи давридан (IX асрдан бошлаб) Си Таммарат Жанубий-Шарқий Осиёда йирик будда марказларидан бирига айланади. Бир неча аср мобайнида унинг монастирларида буддизм мактабларининг кўп сонли тарафдорлари ўртасида мунозаралар олиб борилган. Бу ерга Жанубий Ҳиндистон Наланда университетидан, монск давлатидан, Ява, Суматра, Цейлондан, Пагана ва Ангкорадан роҳиблар келиб турган. Жанубий-Шарқий Осиёнинг ҳиндлашган давлатларининг кўпгина ҳукмдорлари ва кейинчалик Сукхотая и Аютии тай ҳукмдорлари томонидан концептуал тузилишида мужассамлаштирилган, Си Таммарата “мунозара мактаби” махаян

буддизми сиёсий таълимотининг манбаига айланди. Малай ярим ороли ҳудудидигача кенгайган ҳокимият Сукхотая и Аютии тай қироллиги вақтида ҳам Си Таммарата муҳим будда маркази сифатида ўз ўрнини сақлаб қолди.

Ҳозирги Таиланднинг шимолий қисмида тхеравади буддизмининг ва кейинчалик сингал буддизмининг тарқалиши Шин Арахан ва унинг издошлари этнологияси номи билан боғлиқ. Шин Арахан Тхатондан бўлган брахманнинг ўғли ва Канчи (Жанубий Ҳиндистон) тхеравадинларнинг ихлосманди яъни издоши бўлган. 1056 йилда Паганга келган ва подшоҳ Анирудни тхеравади таълимотининг ҳақиқийлигига ишонтирган. Анурид томонидан қўшни халқлар ҳудудини босиб олиши натижасида, будда жамоасини тузиш, адабиётлар, архитектура ва скульптуралари орқали тхеравади буддизмининг таъсири мазкур ҳудудларга ҳам тарқалган. Бу далилар шу билан тасдиқланадики, Шимолий Таиланд ҳудудидан топилган будда ёдгорликлари ва иншоотлари тхеравадинлар санъати андазасини аниқ ифодалайди. Бу вақтда Жанубий Таиланд ёдгорлиги ва иншооти махаян санъати усуллари ва этнологияси билан боғлиқ эди. XI асрда Паган бирма қироллари Бодхига билан дўстлик алоқаларини тутиб турдилар. Улар хинаян мактабига мансуб Будда тасвирининг янги шаклини (Бирма учун янги) олиб бордилар. Бу тасвир шакли Сиамнинг шимолига қадар кириб борди ва сиам мактабининг асосига айланди. Гарчи кейинчалик сиам мактабига Цейлон мактабига мансуб Будданинг янги шакли кучли таъсир кўрсатди. Винаи интизом устави ва дхарма таълимотини бир хиллаштириш ва тубдан ўзгартириш мақсадида қайта кўриб чиқишни амалга ошириш учун, XII асрнинг икинчи ярмида Кашьяпа бошчилигида еттинчи будда соборини тузган Параккамабаху I (1153–1186) Цейлон подшоҳи бўлди¹³. Мазкур собор Цейлонда буддизм таълимотини бир хиллаштиришга муваффақ бўлди. бу янгилик кўпгина мамлакатларга бориб етди ва “тоза дхарма” билан танишиш мақсадида Цейлонга Паган, Пенгу, Си Таммарата, Ланна ва Ланчанга (Лаос)дан роҳиблар ёпирилиб келдилар. 1167 йилда Шин Арахан вориси Пантхагу будда руҳонийлари бошлиғи сифатида Цейлонга жўнаб кетди. Паганга Нарапатиситху (1173–1210) подшолигидан кейин қайтиб келди. Ва Махавихара (Цейлон, Анурадхапура шаҳри) монастри ортодоксал сектаси асосини тузган сингал буддизми тўғрисида подшоҳга муроҷжат этди. Пантхагу ворисибўлган, Уттаражива исмли мон, 1180 йилда яна қайтадан орол ҳукмдори номига иттифоқлик тўғрисида ёзилган мактубни элтувчи роҳиблар гуруҳи билан Цейлонга ташриф буюрди. Уттаражива мон роҳибининг шогирди бўлган Чапатани Махавихарда қолдириб, 1190 йилда ўзи сингари илгари Махавихара маросимларига мувофиқ бағишлаган бошқа тўртта роҳиблар билан Паганга қайтиб келди. Паганга келгач бу роҳиблар Махавихара сингал сектаси тарафдорлари ва жанубий будизм тхеравадинлари ўртасида келишмовчиликка олиб келган сингал буддизмининг ҳақиқийлиги тўғрисида подшоҳни ишонтиришга муваффақ бўлдилар. Ва XIII асрдан бошлаб ғарбий Ҳиндихитой

¹³ Мазкур собор Таиландда еттинчи, Цейлонда эса бешинчи ҳисобланади. Мандалайда у бешинчи собор ҳисобланиб (1871 й), Бирмада уни тан олмайди.

худудида сингал буддизмининг шаклланиши рўй берди¹⁴. XIII–XIV асрларда Харипунжаи (ҳозирги Лампхун), Чиангмая, Чиангсена монастирлари илк тай давлатларида сингал буддизмини тарқатишга кўмаклашувчи диний ва маданий марказлардан бўлдилар¹⁵. Си Таммарат каби “таянч” махаян буддизми сингал буддизми таъсирини бошидан ўтказди. 1527 йилда Цейлондан қайтган роҳиблар гуруҳи, тез орада шуҳрати Ҳиндихитойнинг барча ҳудудларида тарқалган ва Сукхотая ёш тай давлатига бориб етган Након Си Таммаратда ўзларининг мактабларини туздилар. Илк тай давлати раҳнамолари ва князлари буддизмнинг паган шаклига ёки тхеравада буддизмига бориб тақалувчи буддистларга нисбатан жонбозлик кўрсатганлиги тўғрисида кўп маълумотлар учрайди. Шундай қилиб, тай раҳнамоси Менграи, 1290 йилда мўғуллар ҳукмронлиги остида бўлган Паганга ташрифидан кейин, 1292 йилда унинг янги пойтахти Чиангманда (1296 йилда асос солинган) биринчи архитектура мажмуаси бўлган Чиангман монастирини қурдиртирди. Кейинчалик у Пагандаги Махабожига (ўз вақтида Бодхига, Бихар ва Ҳиндистондаги машҳур монастирларига тақлид қилинган тарзда қурилган ҳисобланиб) монанд тарзда Чет Пот монастирига асос солди. Монастирлар энг аввало тай давлати пойтахтида қадимги иншоотлар сирасига кирган.

Рама Камхенга (1292) қадимги ёзувида шундай баён қилинади: Сукхотая – бу девор ичида диний иморатлар билан гуллаб-яшнаётган шаҳар, унинг ғарбида Араньика (Тапхан Хин) монастири жойлашган. Бу монастир қирол Си Таммаратадан (Лигор) таклиф қилган ва сингал буддизми таълимотидан (Махавихара тариқати) таълим берган махатхера таълимотининг билимдони учун махсус қурилган. Ўзининг “Типитаки” илми учун бу махатхера санғхарачи яъни будда руҳонийлари бошлиғи деб тантанали суратда эълон қилинган. Шаҳарнинг жанубида Кхао Луанг тепалиғи қад кўтарилган. Бу тепаликда “мамлакатнинг барча руҳлари ҳукмдори” бўлган Пхра Кхапхунг муҳофаза қилувчи руҳ “яшаган”. Агар Сукхотай мианга ҳукмдори бу руҳга сиғинса ва диний маросимларни амалга ошириб ҳадялар тортиқ қилса, унда мамлакат гуллаб-яшнайдиган ва хавфсиз бўлади: агар ҳукмдор бу буюрилган урф-одатларни рад қилиб, диний маросимларни амалга оширмаса, бу тепалик руҳи мамлакатни ҳурмат қилмайдиган ва уни муҳофаза этмайдиган мамлакат бошига оғир кулфатлар тушади. Бу анимистик дин Рама Камхенга ворислари даврида Махавихара сингал ортодоксал сектаси тариқатига бир мунча кўпроқ яқинлашган қиролга ва унинг фуқароларига халақит қилмади. “Қирол Рама Камхенг, - деб қайд қиланади мазкур ёзувда, - Сукхота мианга ҳукмдори, шунингдек, шахзода ва маликалар, эркаклар ва аёллар, зодагонлар ва раҳнаомлар, ҳаммаси фавқулоддан ташқари, мартабаси ва жинсидан қатъий назар Будда динига чин дилдан амал қилади ва ёғингарчилик фасли вақтида йўл-йўриқ амалларини бажарадилар. Ёғингарчилик фасли охирларида бир ой

¹⁴ Чапата роҳиблар орасида Саддхаммайотипала номи билан машҳур бўлди: «Сутта ниддеша», «Синосапаваннана» и «Абхидхаммасантха» каби машҳур асарлар унинг қаламига мансуб.

¹⁵ Паган будизмининг таъсири, шу жумладан унинг сингал шакли, факатгина Лаос ва Шимолий Таиландда яшовчи тай халқига йўлиқибгина қолмасдан, Юньанин ҳудудида яшовчи тай халқига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Масалан, Нианг Хай (Юньнань) ҳудудидаги монастир Чиенгмаедаги машҳур Синг монастирига жуда ўхшаш.

давом этадиган Катхина маросими яъни роҳибларга кийим-бош ва совғалар тақдим қилиш маросими ташкил қилинади”. Энг муҳим маросимлардан бири шаҳарнинг ғарбида Араньика монастрида амалга оширилган. Бу маросимдан аҳоли шовқин-сурон ва ўйин-кулги билан қувноқ кайфиятда тантанали юриш билан қайтган. Катхина маросимининг тугаши шам байрами (Лой Кратх) билан тўғри келган. Ангкор Хитой элчиси Чжоу Да Гуан бу байрамни шундай таърифлайди: “Мианг Сукхота тўртта дарвозага эга: қирол қандай қилиб шамни ёқишини ва олов атрофида хурсандчилигини кўриш учун катта оломон бу дарвозадан қуйилиб келади ва Сукхотай мианг тўлқинланган ва шовқин солган омма одамларга тўлиб кетади”.

Рама Камхенга даврида Сукхотай Жанубий-Шарқий Осиёда йирик диний марказлардан бирига айланади. Натижада бир неча этник ҳалқлар фалсафий дунё қарашида муҳим узгаришлар пайдо бўлди. Сукхотай ҳудудида Шимолий, Шарқий ва Марказий Таиландда паган ва ангор санъатини сиқиб чиқарган янги диний меъморчилик ва тасвирий санъат мактаби юзага келди¹⁶. Буддизмнинг сингал таълимоти ва Сукхотай диний маданияти қисқа муддат ичида (100 йилдан камроқ) Таиланднинг барча ҳудудида устунлик қилди¹⁷.

¹⁶. Наган диний меъморчилиги ва санъатати тўғрисида қаранг: Ожегов С. С., Архитектура Бирмы, М., 1970. Кхмерлар диний меъморчилиги тўғрисида қаранг: Седов Л. А. Ангорская империя. М., 1967.

¹⁷ Сукхотай маданияти кўпгина диний маданий синтезини ўзида акс эттирди: монлардан Паган ва Дваравати орқали, хайкал яратиш жараёнида таилар тхеравада буддизмини ва унинг асосий концепциясини соддалаштирди, мон иконографиясиги ва нафис усуллари ўзлаштирди. Кхмерлардан улар фақатгина меъморчилик санъати ва тасвирий санъат усулини ўрганибгина қолмасдан, ҳинд эпик асарларини айниқса Рамаянани чуқур идрок қилдилар.

2. БОБ. ЖАНУБИЙ ШАРҚИЙ ОСИЁ БУДДИЗМИНИНГ АХЛОҚИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНИНГ ДИНИЙ ИБОДАТЛАРДА ЮЗАГА КЕЛИШИ

2.1. Тай буддизмининг айрим ўзига хос хусусиятлари ва унинг Жанубий-Шарқий Осиё халқлари маданиятида бевосита таъсири

Ҳозирги Таиланд ҳудудида истиқомат қилаётган тай халқлари орасида буддизмнинг тарқалиши ва вужудга келиши шароити ва сабаблари, Буддизм дини ўрнатилган бошқа Шарқ мамлакатлари билан таққосланганда бир мунча фарқ қилади. Маълумки, тай халқлари буддизмнинг турли шакли мавжуд бўлган ҳудудларга кўчиб ўтган. Илк тай давлати ташкил қилинган даврда, унинг шаклланиши ҳудудида тхеравада буддизми устунлик қилган. Мазкур даврда яъни XIII асрда буддизмнинг пайдо бўлганига қарийиб 2000 йил бўлгани ва бу дин пухталики билан қайта ишланган диний-фалсафий тизимга айланди. фалсафий –метафизик муваффақиятларининг ўзаро бойиши натижасида буддизм йўналиши ва аксарият асосий мактаби расмийлашган XIII асрда, мазкур дин бўйича асосан маънавий-ахлоқий тушунчалар соҳасида яъни Винаи қоидаларига бир мунча қатъий амал қилиш ҳаракати бўйича (бизга маълумки, XII–XV асрларда Цейлонда ва Бирма, Тибетда бундай ислоҳат ҳаракатлари будда роҳиблари орасида бўлган) ислоҳатлар жараёни бошланади. Бу жараён қайсидир маънода ҳеч бўлмаганда тхеравадинлар таълимоти, буддизм таназзулининг бешинчи даражаси тўғрисидаги Буддагхоши назарияси билан боғлиқ¹⁸.

Буддизм диний-маданий мажмуа тушунчалари ва диний маросим амалиёти сифатида бўлган бошқа будда мамлакатларида, бу ҳаракат ислоҳат хусусиятини касб этган, тай давлатида эса бу жараён диний-ахлоқий амалиёти вужудга келишининг асоси бўлди. Қисқа қилиб айтганда тай буддизмида диний-ахлоқий амалиётнинг моҳияти қуйидагича ҳулосаланади. Эрамизнинг II минг йиллигида кенг халқ оммаси манфаатларига будда динининг мослашиши натижасида ва роҳибликнинг асосий ғоя таълимоти – нирвана муваффақиятлари – аста-секинлик билан метафизик спекуляцияга айланади, биринчи галда эса таълимотнинг бошқача шаклда ифодаланиши ва карма, одоб-ахлоқий қоидаларга риоя қилиш билан бевосита боғлиқ.

¹⁸ Будда (Гаутама) ва унинг шогирдларининг мулоҳазаларига одатда гувоҳ сифатида келтирилган будда каноник адабиётларига мувофиқ, Сакья Мунн таълимоти 500 йил гуллаб-яшнади. Роҳиб Нагасена подшоҳ Милинда (Менандер) билан бўлган суҳбатида таълимот йўқ бўлишининг учта босқичини санаб ўтади: шандай вақт келадики, ҳеч ким нирванага (будда дини таълимотига кўра бу дунё ташвишларидан кечиб ўзини роҳат-фароғатда сезиш) эриша олмайди; кейинчалик дин амрига итоат қилмайди ва охир-оқибат илоҳий матнларнинг мазмуни ёддан чиқади. V асрда Буддагхоша бу дунёда 5000 йилгача “Эзгулик қонуни” таъсирини оширди (V асргача буддизмнинг пайдо бўлганига 1000 йил бўлгани ва барча диний амрларга риоя қилинади). У ҳар бири 1000 йил вақт оралиғи билан дхарма таназзулининг бешинчи даражаси тўғрисидаги назарияни яратди: мукаддаслик даражасини аниқлашнинг илоҳий йўқ; диний амрларга риоя қилишни бас қилиш; илоҳий матнлар ёддан чиқади; дхарманинг ташқи белгилари йўқ бўлади; “Устоз” барча илоҳий диний нуқтаи назарлар йўқотилади. Бу назариялар кўпинча иккинчи ва учинчи босқич жойлари алмашган ҳолда яъни аввал матн мазмунлари ёддан чиқади ва ҳ.к.Буддагхошидан кейин кўпгина палий асарларида пайдо бўлади.

Тай буддизмида кармаларнинг бир нечта тури қайд қилинади, аммо жисмоний бошқача шаклда ифодалашни аниқлаштирувчи кармага алоҳида эътибор қаратилади. Карманинг бу шакли тушунчалар бўйича шаклланиб, ўз навбатида икки турга яъни одоб ва ахлоқ турига бўлинади. Одоб-ахлоқ қоидаларига ҳилоф тур тушунчаси ёки Акусала бировга яхшилиқни раво кўрмаслик, нафрат, жаҳолат, ақлсизлик, хато фикр дунёвий яқинлашишга бўлган ҳоҳиш истакка тегишли. Одоб-ахлоқ тур тушунчаси ёки Кусала – бу олижаноблик, дунёга яқинлашишнинг мавжуд эмаслиги, ҳайрихоҳлик, муҳаббат, эзгулик, донишмандлик, билим. У ёки бошқа мутаносибликни бирлаштириб, Кусала ва Акусала кармани ташкил қилади; агар Кусала устун келса, унда яхши карма бўлади, агар Акусала устун бўлса ёмон карма бўлади.

Бошқача шаклда ифодалаш карманинг табиий хулосаси ҳисобланади яъни ҳар бир ҳаёт олдинги ҳаётнинг карма таъсири ва кейинги ҳаётнинг сабаби ҳисобланади. Ҳаёт чархпалагида бўлган киши натижасида карманинг ўзи истак ва яқинлик хулосаси бўлади. буддизмнинг турли мактабларига мансуб бўлган, карманинг психологик ва фалсафий концепциялари билан яхши таниш бўлган, будда динига эътиқод қилувчи зиёлиларнинг катта қисми инсон ҳаётига карманинг таъсири тўғрисида далилларни шубҳа остига олмайди. Барча будда динига эътиқод қилувчиларга мос келган мавжудлик бўйича бу ягона таълимот. Шу муносабатда далил ғоявий жиҳатдан ўзгариш назарда тутилади яъни эътиқодга қабул қилинади. Шунинг учун сангха ўзининг барча кучларини таълимотга мувофиқ асосий диний аҳамият касб этган, барча, моддий фаровонлик ва фаровонликнинг бошқа даражаси сари эришишга имкон берувчи “эзгу хизматларни жамғариш” ғояларини ривожлантиришга йўналтиради. Тавсия қилинган тай буддизми адабиётларида Шунинг учун ёруғликка эришиш жараёни одоб-ахлоқдан бошланади, кейин эса медитация, ва охир-оқибат донишмандлик.

Гарчи Таиландда барча палий канонлари тан олинсада, бироқ ахлоқ ҳулки қоидалари билан боғлиқ бўлган матнлар тарғиб қилинади, дхарма (таълимот) эса асосан Будда ва унинг издошларининг кундалик ҳаётидаги сифатида ҳулки талқин қилинади яъни устоз ва унинг шогирдларининг ҳаёт тарзи дхарма сифатида қаралади.

Будда ва унинг издошларининг бутун ҳаёти – дхармани амалиётга тадбиқ қилиниши, бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳаёти ва фикр-мулоҳазаларини баён қилишнинг асл моҳияти буддизмнинг илк босқичлари бўлиб ҳисобланади. Мазкур таълимотнинг асосий қисми, Гаутама тарғиботи ва ҳикматли ибораларини ўз ичига олган (палий анъаналарига мувофиқ, улар 84 мингдан ортиқ), кўп тўпламли «Трипитаки» – «Сутта-питаки» асарининг иккинчи қисмида баён қилинади; олдинги ўзгарган Будда (жатаки ва авадани) билан боғлиқ юзлаб тарих; одоб ва фалсафа тўғрисида мулоҳаза; пураник дунё қарашни ахлоқий концепция билан боғловчи будда космогонияси баёни; буддага оид наср ва назм дурдоналари; ҳудолар ва илоҳий мавжудотларнинг ҳаёти тўғрисида маълумот; будда таълимотининг асосий концепцияси; машҳур будда издошлари ва рақибларининг ҳаёти тарихи; йога машқлари ва медитация амалиёти баёни ва ҳ.к. Илгари ва ҳозирда ҳам жамиятнинг кенг қатлами учун

«Виная», ва «Абхидхамма»ни Буддизмнинг асл энциклопедияси, эстетик қувонч манбаи ва будда донишмандлигини ўзида жам қилган «Сутта-питака» эгаллади. Айнан «Сутта-питака» “дхамма” “таълимоти”ни бир қадар кўпроқ тўла кўринишда ўзида ифодалайди. Кейинчалик асосан бир мунча аниқ буддизм таълимотининг асосий моҳиятини ўзида акс эттрган ва буддизмни кўпгина нуқтаи назарлар билан шарҳлашга имкон берувчи ва унинг таълимотини ривожланган динларга мослаштирувчи бу асарга ёки каноннинг мазкур қисмидаги ҳикматли ибораларига биз бир неча бор юзланамиз.

Айнан «Сутта-питака» асари карма ва бошқа шаклда тасвирлаш тўғрисида пураник диннинг ўзига хос тасаввурларини ўз ичига қамраб олади; веда пантеон худолари; жаннат ва дўзах тўғрисида тушунчалар; диний рамзлар ва афсунлар баёни; ибодат ва у билан боғлиқ диний маросимлар объектининг сеҳргарлик кучи тўғрисида маълумот; тай буддизмининг оммавий шаклларида ўз аксини топган гуллар, дарахтлар, ҳайвонларни мистик ҳурматлаш.

Дунёқараш сифатида тай буддизмининг ўзига хос хусусиятлари, фикримизча, айнан будда фалсафасининг тизимли тугалланишини ва этика ва худосизлик билан нирвана - сўнги мақсадга эришишни билдиради. Тай буддизмининг асосий вазифаси, бу дин мухлисларни нирвана даражасига яқинлашиши эмас, уларни диний одоб қоидаларига тутиб туриш ҳисобланади¹⁹.

Тай будизмининг бу ахлоқий тенденциялари Таиланднинг диний, бадий ва ҳуқуқий адабиётларида яхши кузатилади.

2.2. Жанубий-Шарқий Осиё будда адабиётларининг ривожланиши

Таиландда «Виная-питака», «Сутта-питака» и «Абхидхамма-питака» - палий канонларинининг учала қисмидан «Сутта-питака» айниқса энг машҳур. Унинг афзаллиги обод-ахлоқ панд-насиҳатларини ўз ичига олувчи матнларига асосий эътибор қаратилади. Буддизмнинг одоб-ахлоқ томони биринчи даражадаги аҳамиятини таъкидлаш – бу тай будизмининг ўзига хос хусусиятидир. Сукхотая даврида шу сингари диний дунё қарашнинг шаклланиш босқичларини эпиграфика, матн, диний санъат бўйича, ўрта асрда Таиландда фольклор ва адабиёт бўйича кузатиш мумкин.

Рама Камхенга ворислари даврида буддизмни мустаҳкамлаш ва уни шуҳратини ошириш сал бўлмаса Сукхотая ҳукмдорлари фаолиятининг энг муҳим мақсадига айланиб қолганди. Рама Камхенганинг ўғли Лэ Тхай (1318–1347) пхутабат - диний иншооти ёки «Пик Адам» (Цейлон) тоғидаги товон изи билан ўхшашлиги асосида Будда товони изини барпо қилади. Унинг даврида Цейлон билан яқин дўстлик муносабатлари ўрнатилди. Ўзининг диний ташвиқоти ва зўр бериб тириши орқали у Дхаммарача (дхарма қироли) унвонига созовор бўлди. Бу унвонни кейинчалик унинг ворислари олиб юрди.

Бу давр ёзувлари Сукхотая шахзодалари ва ҳукмдорларининг айниқса диний фаолияти тўғрисида гувоҳлик беради.

¹⁹ Седов Л. А. Буддизм: религия, политика и традиция // Азия и Африка сегодня. 1967. № 8. С. 47-48.

Цейлондан таклиф қилинган усталар томонидан қисман бажарилган, монастир (эхтимол, Маха Тхат монастири) барпо қилиш ва уни реставрация қилиш ишлари бўйича Шаҳзода номи билан боғлиқ (бу Сукхотая тахтини отаси Рама Камхенга фойдасига ён берган саркарданинг невараси бўлган); бу усталар Сукхотая санъатига сингал меъморчилиги ва санъати элементларини олиб кирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Литхай қироллиги даврида (1347–1361) қандайдир даражада ҳарбий ва давлат ишларини сиқиб чиқарган диний фаолиятнинг кўлами янада ортади. Литхай 1345 йилда тугатилган деб ҳисобланиши қабул қилинган «Трай пхумикатха» («Уч олам тарихи») улкан космологик илмий асарнинг яратувчиси (муаллифи) деб ҳисобланади²⁰. Китоб матни шундай сўзлар билан бошланади: “шаҳзода Литхай эътиқод тахтини эгаллади ва унда олти йил бўлди”²¹. “дхарма йўқ бўлиб кетади ва мазкур хутбаларни ўзинингъэзозлаган онасига бағишлашни истаб (бу тақдирга лойиқ хизмат ҳисобланади), янада кўпроқ у дхармани тарқатишни хоҳлайди” деб ҳисобга олиб у «Трай пхумикатха» устида ижод қилди. буддизм бўйича палий ишлари компиляцияси бўлган бу трактат тай тилида ёзилган. Гарчи «Трай пхумикатха» оригинал асар ҳисобланмасада, шунга қарамасдан бу асарда будда космологияси бир мунча мантиқан ва тўла баён қилинган. «Трай пхумикатха» ҳар хил диний байрам ва маросимларда ифодали ўқиш учун мўлжалланган жуда узун ваъз.

«Трай пхумикатха» бу – илк ўрта аср будда динига эътиқод қилувчиларнинг диний, мифологик ва фалсафий тасаввурлари тўғрисида маълумотни ўз ичига олувчи диний катта тўпламни қамраб олган. «Трай пхумикатха» тай халқининг ўрта асрлар дунё қараши шаклланишига негиз бўлган буддизмнинг диний тизимини ифодалайди. Монастир деворларида, мактаб ўқув қўлланмаларида, рассомлик санъатларида «Трай пхумикатха»дан ўзлаштирилган кўплаб дўзах тасвирлари учрайди.

«Трай пхумикатха»нинг аҳамияти ҳақида гап кетганда, ўқувчида буддизм идеалига мувофиқ ҳаёт тарзини олиб бориш хоҳишини уйғотиш мақсадида, ёмонликлардан ўзини тутиб туриш, яхшилик қилиш ва ҳ.к., мазкур трактатнинг диний-ахлоқий йўналиши, одоб-ахлоқ туб маъносини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Трай пхумикатха»нинг аниқ ахлоқий йўналиши бу –буддизм таълимоти муаллифи томонидан чуқур англаши натижаси эмас, балки буддизм таназзулининг бешинчи даражаси тўғрисидаги Буддагхоши назариясининг сабабчиси бўлган умумий умидсизликка тушган кайфиятнинг инъикоси.

Будда йил ҳисоби бўйича XV аср 2000 - йилик билан тўғри келган, яъни юқорида келтирилган “илоҳий диний китобларни ўқишни бас қилади” деган назарияга мувофиқ, “даҳшатли замон” яқинлашиб келди. Шунинг учун XV асрда Жанубий-Шарқий Осиё будда динига эътиқод қилувчи ҳукмдорларининг ва роҳиблик жамияти диний фаолиятининг кескин кучайиши кузатилади. Ҳукмдорлар бу башоратни ўзларидан узоқлаштириш учун имкон қадар кўпроқ

²⁰ Бизгача етиб келган «Трай пхум» қадимги қўл ёзмаси 1776-1778 йилда Пак Нам монастирида ёзилган бу асарнинг асл нусхаси сақланмаган. Айрим тадқиқотчилар Так Син (1768–1782) қирол томонидан ёзилган деб фикрлайдилар.

²¹ Диний илмий асарнинг ёзилиши назарда тутилган.

мурувват ишларини амалга оширға шошилдилар. Шундай қилиб, Пегу мон хумдори “равшан” Будда ўрнида қурилган, ва кейинчалик Пегуда қайта тикланган, Махабодхи монастиридан режани олиб ташлаш учун меъморлар ва усталардан ташкил топган миссияни Бодхигаюга жўнатди. 1455 йил қирол Тилока Махабодхи улуғ ҳинд монастирига айнан монанд гувоҳ сифатида, унга расман Махабодхарама деб ном бериб, Чиангмайда Тъет Йот (“еттита минораси билан монастир”) монастирининг қурилиш ишларини бошлади. Эҳтмол, 1455-1470 йиллар оралиғида Тилока вакиллари Чиангмайга Махабодхи режасини ва Таиландда Будда тасвири оммавий кўринишларидан бириги айланган “Сакиянинг арслони” ҳайкаллари нусхаларини олиб келдилар.

Мазкур даврда Будда тасвирининг икки тури бир мунча кенг тарқалганди: одатда “илк Чиангсеан мактаби”га мансуб “арслон” тури ва “сўнгги Чиангсеан мактаби”ни билдирган аралаш тур. Ҳайкалларнинг бу иккала тури Лампун, Чиангсен ва бошқа шаҳарларда яратилган. Бу ҳайкалларни ясаш бўйича Чиангмай энг муҳим марказ бўлган. Боши устида нилуфар ғунчаси шаклида қилинган олов, роҳиблик плаши ўнг кўкракни очик қолдирган, ўнг қўли Маро устидан қилинган ғалабанинг ишорани тасвирлайди яъни “ерни гувоҳликка чақиради”, гавданинг туриши қаҳрамонлик эмас, балки енгилмас хотиржамлик (важрасаи) рамзи бўлган бронзадан ясалган Будда тасвири “арслон” турига (яъни “Сакиев арслони” ёки “Сакия сингха”) тегишли. Бу нусхалар Пала (Шимолий Ҳиндистон) даври қора тошдан ясалган тасвирига ўхшаш. Будда ҳайкалининг стилистик тарзда бронзадан ясалган “арслон” тури ва “аралаш тури” “Сукхотая мактабига” яқин. “Сакиев арслони” ва “Ҳукмдор арслон” (Пхрайрачасингха) тасвири, шунингдек Бодхигаи (Шимолий Ҳиндистон) монастир ва ҳинд ибодатхоналарининг меъморий нусхалари, тахминан XV асрда Лаипа ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа ҳиндлаштирилган давлатларида пайдо бўлди.

Илоҳий матнларнинг йўқ бўлиб кетиши бўйича Сукхотай ёш тай давлатида ҳам ташвишланиш сезилди. «Трай пхумикатха» ўша давр рухий ташвишланишнинг гувоҳликларидан бири. Цейлондан келтирилган Бодхи дарахти шоҳини ўтқазиш ва ступа иншооти шарафига, 1357 йилда Литхай буйруғи бўйича тошга ўйиб ёзилган қоятош ёзувларида айниқса бу ташвишланиш аниқ намоён бўлади. тош ёзувида таъкидланишича, мазкур маросим ўтказилган кундан эътиборан, Будда таълимоти бу динни азалий охиратга элтишга қайд қилувчи, йўл яна тўртта даврни бошидан ўтказади: 99 йилдан кейин илоҳий матнлар йўқ бўлиб кетади, 1000 йил ўтгандан кейин динда буюрилган амрларга амал қилиш бас қилинади, яна 1000 йил ўтгандан кейин худо марҳамат қилган барча моддий табаррук нарсалар ёқиб юборилади.

Қирол бу назарияни баён қилиб айрим амалий хулоса чиқаради. У илоҳий матнларнинг сақланмаслигидан манфаатдор бўлиб, яна 1000 йил мавжуд бўладиган динда буюрилган амрларга амал қилишда эса, кимнинг тақдири олдиндан белгиланган, унинг фуқаролари мазкур муҳлатни орқага чўзишдан фойда кўриши зарур деб ҳисоблайди.

Бу истакнинг фуқаролар маънавий даражасига кўтарилиши Сукхотая қироллари томонидан тузилган бошқа матнларда ва айниқса 1361 йилда

Литхайнинг роҳибга айланиши муносабати билан ўрнатилган учта осиблиб турган устунда пали, кхмер ва тай уч тилли ёзувларидан ҳам маълум. Мазкур ёзувда Литхай ўзининг қайғуларини ифодалайди, диннинг тануззулга юз тутишини кўриб, - дейди у, - ““Мукаддас”дин тануззулининг кўриниши пайтида қийналаётган яхши одамларнинг зорланишлари билан юзага келган аланга уни ёндиради ва бу аланга – мусибат оловидир”. Аммо барча умидлар йўқотилгани йўқ, шундай экан “илгарига қараганда, ҳозирги вақтда бу дунёда хайрли ишларни амалга ошириш учун кўп имкониятлар мавжуд. Биз барча хайрли ишларимизнинг самарасини англашимиз учун дхармага қулоқ солишимиз лозим”.

«Трай пхумикатха» ва Литхай ёзуви II минг йилликнинг бошларида буддизмнинг ҳолатини аниқ тасвирлаб беради. Ва аслини олганда келажақдаги тай буддизмининг мақсади ва вазифаларини аниқлаб беради.

Гарчи кейинчалик «Трай пхумикатха» каноник матн сифатида тан олинмади. Таълимотнинг фалсафий йўналишини эмас этикасини ўз ичига олган унинг одоб-ахлоқ аксиомалари тай буддизмининг ортодоксал таянчига айланди. Тай буддизмининг бу ўзига хос хусусияти XV асрда Чиенгмай ҳудудида тузилган палий канони сингал сектасидан саралаб олинган каноник матнларда мустаҳкам қўйилди.

Бу сектанинг тарихи шундай: монастирдан кетиши олдидан Литхай Сукхотайга Пегудан сингал буддизми машҳур тарғиботчиси Удумбара Махасамининг (махасами унвони сингал буддизмини ўрганиш учун оролга келган ҳорижий роҳибларга Цейлон подшоҳи томонидан берилган) охири шогирди бўлган билимдон роҳиб Суманани таклиф қилди. Сумана Сукхотайда 6 йил яшади. Ланна ҳукмдори у ҳақда эшитиб қолгач, ўз халқига тхераваданинг сингал шаклини ўқитиш учун махатхерани Лампхунга таклиф қилади. 1369 йилда махатхера Сумана шахсан қиролнинг ўзи кутиб олган Лампхунга етиб келди. Сумана бошчилигида Лампхуннинг жанубида Пхра ибодатхонаси (“Ухлаётган Будда” ибодатхонаси) қурилди. Ибодатхонанинг меъморий ечими Пагандаги Татбинью ибодатхонасига айна ўхшаш. Икки йил ўтгандан кейин подшоҳ Сумана Чиангмайда қирол қароргоҳидан унча узоқ бўлмаган жойга кўчиб келишини хоҳлади. Подшоҳнинг буйруғи бўйича Сумана учун Чиангмайда Суан Док (“Гул боғи”) янги монастири қурилди. Шу вақтдан эътиборан Чиангмай Ланна (Лаоснинг бир қисми ва Шимолий Таиланд) давлатида асосий диний ва маданий марказ бўлди. Сумана Сукхотайдан Будда тасвирини қандай деб қабул қилишлиги ва кейинчалик Сукхотай ғояларига мувофиқ Ланна ҳудудида тарқалган диний – этик ғоялар ва ҳайкалтарошлик техникаси бўйича уни яратиш тўғрисида кўпгина фикрларни олиб чиққанлиги эҳтимолдан холи эмас.

1423 йилда Чиангмайдан 25 нафар ва уларга Камбожидан 8 нафар, шунингдек Бирмадан 6 нафар мон роҳиблари кўшилган роҳиблар гуруҳи Махавихарда роҳибликнинг устоз даражасига эриши учун Цейлонга жўнаб кетдилар. 1425 йилда Цейлондан қайтиб келдилар. Чиангмай йўлида тарафдорлари тўпланган ва ваъз ўқиган Аютию, Сукхотай ва Саванкхалокка ташриф буюрдилар. Ва ниҳоят 1430 йилда роҳиблар сингал буддизмининг янги

версиясини ўрнатишга ҳаракат қилган Чиангмайга етиб келдидар. Улар тарғиб қилган доктрина шубҳасиз, Сумана таълимотидан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмаган. Аммо Сумана бу доктринани Цейлонда эмас, Пегуда ўрганганди. Қайтадан қайтиб келган роҳиблар Сумана таълимоти роҳиблик интизоми устави муносабатида тўла ёлғон эканлигини ва фақат улар таълимотнинг “такомиллашган” шаклига эга эканлигини эълон қилдилар. Суманани шаҳардан янги сектани қувиб чиқариш бўйича амр берган Чиангмай ҳукмдори Сам Фанг Кен қўллаб-қувватлади.

Диний йилномаларда қиролни Цейлондан келган роҳибларни қувишга ундаган сабаблар турлича ёритилган. «Чинакаламалин» га мувофиқ у буддизмнинг зиёнига юрувчи иблис ва руҳларга сиғинишни қўллаб-қувватловчи бидъатчи бўлган; «Муласасан»га мувофиқ эса у янги мазҳаб роҳибларини фитначи бўлганлиги учун қувиб юборган. Бу роҳиблар Чиангмайдан 3 км узоқликда жойлашган Па Дэнг (таржимаси “Қизил ўрмон” ни билдирган эҳтимол, бу тарки дунё қилганларнинг ўрмони бўлган) монастирга келиб жойлашдилар. Роҳиблар шимолнинг бир қанча ҳудудларида Лампхун, Лампанг, Чианграй, Чиангсенда бўлиб, фаол миссионерлик фаолияти билан шуғулландилар. Чом Китти тоғ этаклари Чиангсан атрофида улар томонидан монастир барпо қилинди.

Бу фаол миссионерлик фаолияти жараёнида Чиангмай атрофларида Сингал буддизмининг “энг тоза” шаклини тарғиб қилган ва Таиландда палий адабиётининг тарқалишига ва ўрганишга туртки берган сингал буддизмининг “энг тоза” формаси бхикшу (роҳиблар) сингал сектаси вужудга келди.

Раттанавана Махавихара (Чиангмай) монастиридан бўлган роҳиб Ратанапанна ҳам мазкур мазҳабда бўлган. У 1516 йилда қадимги даврдан бошлаб Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари тўғрисида маълумотни ўз ичига олувчи пали тилида «Чинакаламалини» (“Будданинг маржон даври”) йилномасини тузган. 1442 йилда Тилока ҳукмдорлиги даврида Пинг дарёси қирғоқларида энг аслзода оилалардан 500 нафар ёшлар буддизмга “буюк” ўзини бағишлаш ишлари амалга оширилди. 1475 йилда Чиангмайда палий матнларини саралаш ва тафтиш қилиш учун катта сангхи кенгаши тузилди. Бу тафтиш натижасида Таиландда кейинчалик эса Камбожада (дхаммаютникая мазҳаби) диний-ахлоқий таълимотининг асосида ётувчи иккита катта иш яратилди: «Монгкхондипхани» (“Фотиҳа” палида «Мангаладипани») ва «Тхампатхатхакатха» (“Тхаммападу”га риоя қилувчилар тарихи, палида «Дхаммападатхакатха»)²². «Монгкхондипхани» - гўёки бу қавмнинг хотиржамлиги учун Будда томонидан айтилган панд-насихатлари ва тарғиботларининг тўплами. Оддий қавмнинг ҳаёт тарзи ва одоб-ахлоқ қоидаларига тегишли бўлган бу матнлар «Сутта-питаки»дан ўрин олинган. Мазкур матнлар орсидан айниқса тўрттаси бир мунча машҳур: «Маха Мангала сутта» (“Улкан яхшиликлар” Дигха-никаядан), «Сигаловада сутта» (“Қавмлар учун интизом коди” Дигха-никаядан), «Парабхава сутта» (“Қулаш” Сутта-

²² «Дхаммапада» тўғрисида, қаранг: Грюнведель А. Сцены из жизни Будды в «Трай-пум». СПб., 1904.

нипатидан) ва «Вияггхападжджа» («хотиржамлик шароитлари» Сутта-нипатадан).

«Монгкхондипхани» матнининг номларидан кўриниб турибдики, «Мангала сутта» айнан бошланиши ҳисобланади. Оддий қавмни “ўрта йўл”га²³ киришга тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бошқа қўлланмалардан фарқли равишда, будданинг ўзига хос ва ижтимоий ахлоқининг қисқача баёнини ўзида акс эттирувчи «Мангала сутта» - бу ҳаётда “тақдирга лойик ишларининг” (ёки тай бўйича бун ва палида пуна) тўпланиши йўли билан маънавий юксалиш ва моддий хотиржамликка эришиш қўлланмасидир. Палий канонида бу сутта Сутта-нипата, Кхуддакапатханинг (Кхуддака-никая қисмларидан бири) ва 453 – жатака таркибига кирган.

Айнан «Маха Мангала сутта» Чиангмайда роҳиблар томонидан саралаб олинган палий матнларининг каноник тўплами номларини аниқлайди. Қайсидир маънода Сукхотая матнларида ва эпиграфикасида шу қадар ёрқин намоён қилинган тай буддизми таълимоти тарафдорларининг ахлоқий ривожланиши ва мустақамланиши тўғрисида ҳам гувоҳлик беради.

Буддизмнинг диний –ахлоқий тушунчалари хусусан, будда тарихи, ривоятлари, мақол ва маталлари орқали, шунингдек диний-этик-ахлоқий йўналишини аниқ ифода этувчи айрим машҳур мумтоз адабий асарлар орқали тай аҳолиси орасида тарқалди.

Таиланд худудида тарқалган будда ривоятларининг таҳлили куйидагича тахминий фикрларни чиқаришга имкон беради: тай халқлари сарвастивадинов санскрит матнлари орқали I минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб илк бор айрим будда сутраларини ўзларига мослаштирдилар; Жанубий-Шарқий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган айрим будда ривоятлари, композицияси ва сюжети бўйича ва тасвирий-ифодали тил воситаси бўйича ўзининг ҳинд прототипидан сезиларли даражада фарқ қилган; будда ривоятларининг ёзма матнлари брахман веда ёки Ҳиндистоннинг эпос асарларидан эмас оғзаки-эпик ва санскрит ва пали тилларида ёзилган адабий шеърий будда матнларидан бевосита ўзлаштирилган²⁴.

Тай халқининг будда жатакаси ва аваданаси ҳақида маълумотга эга бўлиши икки хил усул билан яъни монастирлар ва оғзаки-шеърий ижод орқали амалга ошди. Тай фольклор меросини ўрганиш, оғзаки-шеърий асарларнинг анъанавий етказиб берилиши шаклининг мавжудлиги тўғрисида қайд қилишга имкон беради. Одатда кексайган кишилар ёки профессионал артистлар ривоятларни халққа етказиб берувчи бахшилар бўлишган. Профессионал артистлар саёқ труппаларга бирлашиб, диний байрамлар ва фасл сайиллари вақтида машҳур халқ асарларини ижро этганлар. Шунинг учун тай халқларида оғзаки-шеърий асарларининг ижро этилиши театрлаштириш қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур асарлар айниқса афсонавий ҳикояларнинг мазмун моҳияти, тай халқининг дунёқараши ва буддизмни идрок қилиши тўғрисида мулоҳаза қилишга имкон беради. Тай қишлоқларининг изоляцияланганлиги

²³ “Ўрта йўл” ва буддизм таълимотининг моҳияти тўғрисида қаранг: Корнев В. И. Буддизм // Вопросы истории. 1970. № 12. С. 67-74.

²⁴ Корнев В. И., Древнеиндийская легенда о киннаре у народов таи // Индия в древности. М., 1964. С. 78.

(дарё ва унинг ирмоқлари асосий силжиш воситалари бўлган) ва алоқа йўларининг мавжуд эмаслиги, Таиланднинг қишлоқ ҳудудларида узоқ вақт давомида оғзаки-шеърый анъаналар ахлоқий, диний ва дунёқараш ғояларини етказиб беришнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган (айрим ҳудудларда фольклор анъанасининг бу роли XIX асрнинг охирларигача кузатилади).

Аютии даврида будда монастырлари маҳаллий жамиятни бирлаштиришни ва аниқлаштиришни бошлайди. Монастирларда амалга ошириладиган диний расм-русумлар ва маросимлар ҳар доим маданий ва жамоат фаолияти билан бирга олиб борилган. Одамлар ўйин-кулгу ва хурсандчилик қилишган, бир-бирлари танишишган, тайёргарликсиз ижро пайтидаги томошалардан баҳраманд бўлганлар, Будда ҳаёти тарихидан (сутра), қизиқарли ҳикоя, поэма, ашулалар эшитишган. «Махачат» нинг ўқилиши халқ орасида будда ўғитларининг тасдиқланишининг яққол намунасидир.

«Махачат» (“Улуғ ҳаёт”) – бу Будда тарихи ва унинг нирванага эришиши олдидан ерда сўнгги марта қайтадан вужудга келиши тарихи. «Махачат» - бу «Вессантара жатака» (тай бўйича «Ветсандон чадок») пали тарихи версияларидан бири, Кхуддака-никая коллекциясидан, “Жатака” каноник тўпламидаги охирги ҳикоя. XIV асрдаёқ «Вессантара джатака» тай халқлари орасида машҳур бўлган, уни монастыр ва унинг атрофларида айтишганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Ҳозирги вақтда барча тай мактабларида бу тарихнинг қисқача баёни ўрганилади. Ҳар йили мамлакатнинг ҳамма жойида «Махачат» ўқилиши анъанавий фестивали ўтказилади. Мазкур тарихнинг бир қанча мавзулари анъанавий тай живописининг асосига айланган. Бир неча асрлар мобайнида тай сарой амалдор шоирлари ўзларининг айрим шеърларини ва ашулаларини «Махачат» эпизодларининг бирига бағишлаган. Натижада шеърларнинг энг яхши варианты умумий «Махачат» композициясига киртилган. Замонавий варианты барча мавжудотларга тўла муҳаббатни, қулоққа хуш ёқувчи шавқ-завқ ва ҳазил-мутуйибани, ҳис-туйғуга тўла шеърлар билан прозаик дostonни ўзида акс эттиради.

Монастир деҳқонлар маълумот ва диний тарбия оладиган жой бўлган. Монастирларда одатда пали ва будда матнлари ўргатилган. Ибодатлардан бўш бўлган вақтларида айрим роҳиблар будда қўл ёзма нусхаларидан нусха кўчириш ишлари билан шуғулланганлар. Қадимий қўл ёзмалар пальма баргларининг йўл-йўл чизикларини ўзида акс этирган. Ёзиб тўлдирилган барг боғламларини тахтакач остига қўйиб, боғич билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай китоблар “пук” деб номланган. Одатда 12-24 йўл-йўл чизиклардан ташкил топган. Тўпламлар (пакаранам, ёки тантра) биргаликда боғланган бир неча пукларда ташкил топган. Титул барглари махсус нақш безаклар билан безатилган. Бироқ бир неча йиллардан кейин барглари иссиқ нам иқлим ва ҳашаротлар, айниқса чумолилар туфайли уваланишни бошлайди. Шунинг учун илоҳий матнлар ва бошқа диний асарларнинг нусхасини кўчириш ишлари роҳибларга бу дунёда ва кейинги ҳаётида тақдирга лойиқ муқаррар каромат олиб келувчи хайрли ишлардан ҳисобланган. Агар диний муқаддас бўлмаган матнларнинг нусхаси кўчирилганда уларни мослаштиришга ёки эркин қайта

ишлашга рухсат эилган. Шу тарзда айрим, айниқса йирик монастирларда, айна битта асарнинг бир талай қўл ёзма нусхалари тўпланган.

Аютий даврида айнан монастирларда халқ орасида кенг равишда оммавий тус олган “ҳошияланган ҳикоялар” (ўхшашлиги асосида будда сутрлари ва «Панчатантра»нинг ҳинд варианты композицияларига қурилган) жанри қайта ишлана бошланди. Ҳозирги вақтда бу жанрга мансуб асарлар кўп сонни ташкил қилади. : «Нантукпакаранам» (“Нантука ҳукизи китоби”), «Паксипа-каранам» (“Қушлар китоби”), «Писатпакаранам» (“Иблислар китоби”), «Веталапакаранам» (“Веталлар китоби”) «Иранратчатам», ёки «Сипсонглием» («Ўн икки бош») бу мазкур жанрга мансуб бир мунча оммавий тўпламлар. Ва “ҳошияланган ҳикоялар” типига мос бўлган унча машҳур бўлмаган тўпламлар Нанг Тантрай», «Мулла Тантрай», «Хитопадеша» ёки «Митонлап», «Маидукапакаранам», «Тантрай», «Саунди Ҳикоялари», «Шахзода эртаклари» ва ҳ.к. бу тўпламлар «Панчатантра», «Хитопадеша», «Веталанинг 25 та ҳикоялари»нинг тарихи джатаки, авадана, сутралар, маҳаллий ҳикоялар ва афсоналардан таркиб топган. Яъни бу компиляциялар маҳаллий ҳикоялардан, шунингдек тай роҳиблари томонидан хинаян буддизми доктринасига мувофиқ қайта ишланган Ҳиндистон, Комбожи, Ява, Эрон, араб адабиётлари ва бошқалардан ўзлаштирилган турли хил тарихни ўз ичига олган. Баъзан тўпламни тузувчилар ҳикояларга будда этикасининг маълум аҳволини баён қилувчи ибратли панд-насихатларини ҳам киритганлар.

Таиланд будда монастирларида вужудга келган адабиётлар ҳажм жиҳатидан анчани ташкил қилади. Уларда кўпгина адабий жанрлар – фольклор асарларидан тортиб то муаллифлик ижод асарларигача ўрин олган. Бундай кўп хилли адабий шакллар будда сангха-жамияти ижтимоий таркиби билан боғланган.

Марказий Таиланднинг йирик монастирлари ва Чиангмай худудидаги сангха аъзоларининг катта қатлами, ўзларининг диний мажбуриятларидан ташқари баъзан адабий фаолият билан шуғулланувчи қирол оиласи ва зодагон вакилларида ташкил топган. Меросхўр шахзода Таматибетнинг (1732–1758) ҳаёт йўли бунга яққол мисол бўлади. У қисқа ва жўшқин ҳаёт йўлини босиб ўтди. Табиати эҳтиросли ва салга тутоқиб кетадиган бу шахзода ёшлигидаёқ ўзининг амакиваччасини барча сарой аъёнларидан рашқ қилиб севиб қолади. Унинг ишқий саргузашти ва сержаҳллиги отасининг (қирол Боромокота) ғазабини қайнатди. Шахзода монастирда жазодан қутулишга тўғри келди²⁵. У монастирда тўрт йил ҳаёт кечирди. Бу вақт давомида адабиётларни ўқишга ҳаваси ошди ва ўқиб чиққан адабиётлари таъсири остида «Нантхонантха сут» (сеҳрланган Нантхо ҳақида сутра) ва «Пхра Малай сут» (Пхра Малай ҳақида сутра) деб номланган иккита катта диний дoston ёзди.

Тўрт йил ўтгач қирол ўғлини кечирди. Ва шахзода Таматибет дунёвий ҳаётга қайтди. Бир неча йил давомида у тай адабиёти хазинасидан ўрин олган қатор йирик дoston ва қўшиқлар ёзишга улғурди.

²⁵ Ребрикова Н. В. Очерки новой истории Таиланда. М., 1966. С. 94-97.

Агар Таиланднинг ижтимоий тизимида “аслзодалар” ва “қоралар” ўртасида иерархияга қаттиқ амал қилинган бўлса, будда жамиятида эса бу иерархия ўзининг кучини йўқотди: сангханинг барча аъзолари ўзлари ўртасида расман тенг ҳисобланган ва турли ижтимоий қатлам вакиллари бир-бирлари билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлган.

Эҳтимол, ажратиб қўйилган жамият ҳаётидан қирол саройи муҳитида яратилган айрим шеърӣй вазнлар ва поэтик асарларнинг халқ орасида тарқалиши ва халқ мавзулари ва сюжетларининг сарой поэзияси ва драматургиясига суқилиб кириши шу билан изоҳланади. Монастир фақатгина маданиятни сақлаш ва кейинги авлодга етказибгина қолмай, қирол саройидан халқ ижодига ва аксинча, субмаданият тизимининг анъанавий адабиётини ташувчиси бўлган. Ўз навбатида диний маданият ёзма ва оғзаки адабий асарларнинг қаҳрамонлари эга бўлган одоб ва ахлоқий қадриятларни аниқлаб берган. Шу маънода тай халқларининг анъанавий маданияти будда жамиятининг диний маданиятига мос келади. Сангха миллий маданий мажмуи сифатида, анъана ва алоқа йўллари ёрдамида ижтимоий тартибга келтирувчи куч сифатида намоён бўлди. шу муносабатда буддизм маданий ҳодиса сифатида анъанавий тай жамиятининг асосий мустаҳкамловчи ҳалқасига айланди.

Моанстирларда вужудга келган машҳур будда адабиёти ва кенг тарқалган ҳикоя ва қиссаларнинг мазмун моҳиятининг таҳлили, тай халқида эклектик (турлича қарашларни, назарияларни бир-бирига ўзбошимчалик билан қориштириб юбориш) диний тасаввурнинг мавжудлигини кўрсатади²⁶. Бу асарларда ижобӣй, яхши фазилатларга эга бўлган қаҳрамоннинг умумлаштирилган тимсоли йўқ. Ижобӣй қаҳрамонга ҳар доим буддизмнинг ахлоқӣй тизими бўйича тасдиқланган яхши хислатлар берилган. У бу яхши хислатлари туфайли ҳар қандай қора кучлардан ҳимоя қилинган. Халқ ва диний-ахлоқӣй асарлар уларга таъсир қилувчи мўъжизавӣй ёрдамчилар ва сеҳрли нарсаларни ўқиган кишилар уларнинг кўплигидан ажабландилар.

Шунга ўхшаш тимсол тизими ва одатӣй сеҳрли воситалар фақатгина халқ асарларида эмас, ўрта аср Таиланди мумтоз ва драматик асарларида учрайди. Ва тай жамиятида мавжуд бўлган анимистик, сеҳргарлик ва диний тасаввурларни (бу тасаввурларнинг айрим шакли ҳазиргача сақланади) акс эттиради²⁷.

2.3. Буддизм билан боғлиқ диний эътиқод тизимлари.

Ўрта аср Таиландига тегишли бадиӣй адабиётлари, тай халқининг оғзаки-шеърӣй ижоди, этник фалсафаси, ҳорижий шоҳидларнинг (миссионерлар, саёҳатчилар, дипломатлар) гувоҳликлари ва замонавий дала тадқиқотлари Таиландда эътиқоднинг икки тизими мавжудлиги тўғрисида қайд қилади. Эҳтимол, буни шу нарса билан изоҳлаш мумкин, тай давлатининг шаклланиши даврида ижтимоий ривожланишнинг хийла юқори босқичида бўлган тай

²⁶ Корнев В. И. Литература Таиланда, М., 1971. С. 96-98.

²⁷ Современный Таиланд, М., 1958. С. 67.

халқлари, буддизмни ўтмиш ва келажакдаги фаолиятдан инсоннинг фаровон ҳаёти ва ижтимоий ҳолат қарамлиги тўғрисидаги таълимот сифатида қабул қилдилар. Таъсирчан қилиб гапирганда, анимистик тасаввурлар тизими инсонни яшаб турган ва унга қарам бўлган муҳитни ўзида аск эттиради. Буддизм эса мазкур ўраб турган муҳитда инсоннинг статусини ва унинг ўрнини белгилайди.

Шундай экан, Таиланд дини ҳақида гап кетганда, уни анимистик-будда тизими тасаввурлари деб аташ тўғрироқ бўлади. Шу муносабатда тай дини моҳиятини қуйидагича хулосалаш мумкин: инсоннинг бу дунёга қайтиши ва унинг ижтимоий ҳолати (бой ёки камбағал, аслзода ёки оддий халқ ва ҳ.к.) унинг ўтган ҳаётида олиб борган ишлари ва эътиқодига боғлиқ (хайвон, ҳашарот ёки ўсимлик бўлиб эмас, инсон бўлиб қайтиши учун етарлича хайрли). Бу дунёда пайдо бўлиши билан инсон ғайри табиий кучлар одатда пхи - руҳи билан муносабатга киришади.

Мазкур диний тизим буддизмнинг ахлоқий этик концепцияси, Кўпгина палий канонлари матнларида маълум бўлган, худолар, иблислар, бодхисаттвларнинг (ёки архатлар) ғайри табиий лаёқатлари тўғрисида илк будда тушунчалари асосида, тантрик буддизми ва пураник дини амалиётлари, сеҳргарлик-анимистик амалиётлари негизида барпо бўлган сеҳргарлик расм-русумлари ва диний маросимлар даражасидаги тай анимистик тасаввурлари билан бир-бирига боғлиқ. Таиланднинг анимистик-будда дини (кейингиларда “тай буддизми” атамасидан фойдаланимиз) ёки тай буддизми диний-сеҳргарлик доирасига кирувчи қайд қилиб ўтилган ҳар бир таркибий қисмлар, тай буддизми шаклланишига, узок давр мобайнида шаклланган маълум диний тизимлар билан боғлиқ. Ҳозирги Таиландда будда тантризм ва пураник диний амалиётлари, каноник будда матнларида қайд қилинган сеҳргарлик-анимистик амалиёти ва афсонавий тасаввурлар, шу қадар бир-бирлари билан ўзлаштирилганки, уларни динга тегишли “тоза” мажмуаларини аниқлаш ва ажратиш ўта қийин. Шунинг учун айрим диний эътиқод мажмуаларига, тай буддизми тизимидан ташқарида деб қаралувчи, таркибий қисмлари бўлиб ҳиобланадиган айниқса анимизм, тантрик буддизми ва пураник динга тўхталамиз.

I. Анимизм. Тайлар ва кхмерлар ҳар бир нарса ва ҳар қандай мавжудот ўзининг руҳи – пхига эга бўлишига ишонганлар. Шундай экан, инсон ўзининг ичида, уйларда, чакалакзорларда, сувда, ерда ва осмонда яшовчи жуда кўп руҳлар билан ўраб олинган. Бу руҳларни шартли тарзда икки гуруҳга бўлиш мумкин: ҳимоя қилувчи ва зарар келтирувчи. Ҳимоя қилувчи руҳлар маълум жойларда, нарсалар ва тирик мавжудотларда яшайди. Ҳимоя қилувчи руҳлар кўп, шулардан айримларини санаб ўтиш кифоя. Қишлоқни ҳимоя қилувчи руҳ учун маскан одатда қишлоқ атрофида қурилган; бу руҳнинг розилигисиз уйни кенгайтириш, яшаш жойини ўзгартириш, байрам вақтларида айрим диний амрларни бажармаслик ва ҳ.к. мумкин эмас. Монастирда Ҳимоя қилувчи руҳ тасвири баъзан Будда тасвири билан ёнма-ён қўйилган. (қишлоқ ваталарида). Бу руҳ монастирда ифлос қилган ёкт номаъқул ишларни қилганларни жазолаб, тартиб ва тозаликни назорат қилиб турган. Унинг розилиги билан монастир

худудида маросимлар бошланган, ярмаркалар ташкил қилинган ва ҳ.к. уй худуди «пхрапхумтаута» руҳи томонидан ҳимояланган. Ҳазир ҳам кўпгина уйлар олдида тайлар бамбук, ёғоч ёки цементдан қилинган кичкина уйча қўядилар. Бундай уйча «санпхрапхум» деб аталади ва «пхрапхумтъаути» нинг яшаши учун хизмат қилади. Уй ичида уй эгасига муваффақият олиб келувчи ва уйни ўғри ва ёнғиндан сақловчи «пхириан» (уй руҳи) яшаган. Ҳар бир шоли даласи, боғлар, катта дарахтлар, булоқлар, анхорлар, дарёлар, тепаликлар, қоялар, катта тошлар ва ҳ.к. ўзларининг руҳларига эга бўлганлар. Чақалок туғилиши пайтида унга ҳимояловчи руҳ – кхван ўрнашади. У баданнинг турли қисмида бўлиши мумкин бўлган, кўпроқ одамнинг бошида яшайди. Ҳомий-руҳ кхван инсонга унинг ҳаёти давомида муваффақият, бахтни таъминлайди. Агар кхван инсонни ташлаб кетса, натижада муваффақиятсизлик, касаллик, бахтсизлик уни чулғаб олади. Инсон ҳаёти давомида кхванга бағишланган кўпгина маросимлар ва диний расм-русмлар билан кузатилади. Шунини алоҳида қайд қилиш жоизки, ҳимоя қилувчи руҳ доимий бошпанасига эга бўлар экан шунгача у субъекти ва объектини ўз ҳомийсига олади. Қачонки уй, қишлоқ, монастыр, шаҳар қурилар экан, унда биринчи навбатда ҳимоя қилувчи руҳ учун иморат қурилади, кейин эса уни бу масканда яшаш учун таклиф қилинади. Одатда бир мунча ҳурматлироқ яъни катта дарахт ёки ботқоқ ёки тепаликнинг ва ҳ.к. ҳимоя руҳи таклиф қилинади. Руҳни танлаш маҳаллий аҳоли анъанавий тушунчалари билан боғлиқ. Ижтимоий гуруҳни ўз ҳомийсига олган ҳимоя руҳи учун, умумий ҳурмат кўрсатилиши лозим. Уларни боқиш, улар учун маълум диний ҳаракатни амалга ошириш, руҳдан унинг таъсир доирасида ҳар қандай ҳаракат учун розилик сўраш талаб қилинади. Шундай экан, анимистик эътиқод ахлоқнинг ташқи шакли барқарорлигини сақлашга йўналган. Анимистик диний маросимлар одамларни анъана ва одатларга амал қилиш зарурияти ва ахлоқнинг ўрнатилган тартибларини бузмасликни уқтиради. Акс ҳолда эса руҳлар ўзларининг маконларини ташлаб кетади.

Доимий маконига эга бўлмаган руҳларни пайқаш ва раҳм-шафқатли қилишнинг имкони йўқ. Бундай дайди руҳлар одамлар учун хавли. У оғир касалликнинг сабабчисига айланиши ва ҳатто одамни ўлимга олиб келиши, ёнғинни келтириб чиқариши, ҳосилни йўқ қилиши, ёмон фикрларга ундаши, жиноят йўлига олиб кириши мумкин. Руҳлар тўғрисидаги адабиётларнинг таҳлили бўйича²⁸ шундай хулосага келиш мумкин: кўпинча ёмон ва хавфли бўлган барча дайди руҳлар, одатларни бузиш ва диний ҳаракатларга риоя қилмаслик натижасида пайдо бўлади (Масалан, агар инсон катта дарахтни чопиб ташласа, далани шудгорласа, уй курса, ҳайвонларни ўлдирса, диний йўл-қўриқларга амал қилмаган ҳолда ўлган одамни дафн қилса, унда руҳ ўзининг маконини ташлаб кетади ва дайдига руҳга айланади). Бунинг натижасида тайлар тушунчалари шундай бўлган, буюрилган ахлоқ қоидаларини бузиш зарар келтирувчи руҳларни кўпайтиради. Тайларда руҳлар билан боғлиқ тушунарсиз ва қўрқинчли ҳодисалар тўғрисида кўпгина ҳикоялар мавжуд.

²⁸ Ж. Холл шундай ёзади, - руҳлар култи Жанубий-Шарқий Осиё барча маданиятининг асосида ётади. Бу анимистик тасаввурлар энг юқори табақадан бошлаб то оддий одамларгача инсоннинг акли устидан ҳукмронлик қилишни давом эттиради; қаранг: Холл Д. Дж. История Юго-Восточной Азии. М., 1958.

Рухлар тўғрисида ҳикояларни кўпроқ шаҳарларда эшитиш мумкин. Қишлоқ деҳқонлари шунга ўхшаш ҳикояларни сўзлаб беришни хуш кўрмайдилар. пхи» сўзи улар учун табу ҳисобланади. Бу табунинг маъноси шундан иборатки, пхини номи билан атаб уни жабл қилмаслик учун. Ҳар қандай динда бўлгани каби тай анимизмида ҳам ҳаракатга келтирувчи кишилари бўлган. Қишлоқ жамиятининг анъана ва одатларни муҳофаза қилувчилар сифатида чиқувчи айниқса хурматга сазовор аъзолари, ҳимоя қилувчи руҳларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш бўйича назоратни олиб борадилар. Ба кишилар одатда билимдон кишилар бўлишган. Улар шакли ва мазмуни жиҳатидан ижтимоий жамоа ёки гуруҳнинг барча аъзоларига шундай ёки ўзгача даржада маълум бўлган анъанавий расм-русмлар ва маросимларни ташкил қиладилар. Мазкур ҳолатда жамоа орасида бу кишиларнинг роли жуда катта. Булар жамоавий тушунчаларнинг шаклланишида ҳам кўмаклашган.

Дайди руҳларга ихтисослаштирилган бошқа гуруҳ кишилари ҳам мавжуд бўлишган. Уларнинг санъати эзотерик хусусият касб этган ва кўпинча авлоддан авлодга ўтган ёки махсус ўқитиш жараёнида берилган. Бу гуруҳга даволовчи табиблар, афсунгарлар, жодугарлар, шомонлар, медиумлар кирган. Бу гуруҳга мансуб кишилар зарарли руҳлар билан алоқа, муомала қила олган ёки уларни қувиб чиқара олган деб ҳисоблашган. Дайди руҳлар бўйича биринчи гуруҳ мутахассисларидан фарқли равишда ижтимоий табақани боғловчилар бўлиб ҳисобланмайди. Уларнинг сирли ва англаб бўлмайдиган санъати қайсидир маънода уларни жамоага қарши қўювчи жамиятдан ташқари ахлоқ дея баҳоланади.

II. Тайланд, Лаос ва Кампучияда тантрик буддизми. Буддизмнинг бу эзотерик оккультистик (дуохонлик, иссиқ-совуқ, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи мистик таълимот) шакли дастлаб Бенгалияда (Шимолий Ҳиндистон) вужудга келган.

Узоқ муддат қаттиқ сирда ушланган ва хабардор бўлмаган кишилар учун англаши қийин бўлган тантрик амалиёти, ҳозирги вақтда буддизмда қачондан бошлаб пайдо бўлганлигини исботлаш ўта қийин. Тантрик буддизми ва ҳинд сеҳргарлик расм-русмлари ўртасида бевосита алоқанинг мавжудлигига шубҳа билан қараш даргумон. Ҳиндистонда буддизм пайдо бўлгунга қадар брахманизмнинг муҳим қисмини ташкил қилган сеҳргарлик маросимлари ва расм-русмлари устун бўлган. гарчи «упанишадда» қайд қилингишича, ким ҳақиқатга ҳаракат қилса, сеҳргарлик кучларидаги эътиқоддан холос бўлиши зарур.

Сеҳргарлик ва ғайри табиий кучлар эътиқоди маълум даражада жамоавий тушунчаларни келтириб чиқаради ва анъаналар билан мустаҳкамланади: ҳаттоки ўқимишли кишилар учун ёмон аломатлар ва тушуниши қийин бўлган ҳодисалар олдида ўзининг ғайри ихтиёрий безовталигига бардош бериш қийин. Илк буддизм ўз таълимотнинг амалий томонига алоҳида эътибор қаратиб, ташқи дунё илоҳий ва ғайри табиий кучлари тўғрисида уларнинг мавжудлигини тан олиб ва аниқ тасдиқламасдан ноаниқ ва силлиқ равишда таъкидлайди. Шунинг учун буддизм табиийки, айниқса брахманизм ва бошқа маҳаллий эътиқодлардан кириб келган айрим сеҳргарлик мантра-формуласини ўзига

мерос қилиб олди. Хусусан, мантра илк махянга оид матнларда дхарани, палий матнларида эса паритта сифатида маълум. Мантра – бу гўёки хавфдан ҳимоя қилувчи ва инсон ҳаётида фаровонликка эришишга ёрдам берувчи сеҳрли формулалар. Тантризм буддизмда махсус қайта ишланди. Индуист тантризми ва будда тантризми ўртасидаги асосий фарқ шу билан изоҳланадики, акта билан (илоҳий кучлар), яратувчи аёл тимсоли кўринишида чиқувчи олий худо (Шива) ёки унинг эманацияси индуист тантризмнинг марказий концепцияси ҳисобланади. Пражна (илм, донишмандлик) будда тантризмнинг марказий ғояси деб ҳисобланади. Агар индуист тантрист, куч-қудрат ва тинчликка эришиш учун илоҳий кучлар билан бирлашишга ҳаракат қилса, унда будда тантрист иллюзияни яратувчи ва фақатгина пражна ёрдамида холос бўлиши мумкин бўлган, илоҳий кучларга куч сифатида қарайди. Шундай экан, будда динига эътиқод қилувчилар ўзларини “хаёт чархпалагида” (сансара) банди қилиб кўювчи ҳар қандай ғайритабиий кучлардан озод қилишга ҳаракат қилади. Будда дини билан шуғулланувчи олимларнинг аксарият қисми, будда тантризми III асрнинг охирида маълум тизимга шаклланганлигини таъкидлайдилар. «Дхарапи-питака», ишида илк махасангхикларда мантрик формула тизими мавжуд бўлган. Тахминан эрамининг бошларида ёзилган «Манджусримилакалпа» фақатгина кўп сонли мантра ва дхаранини ўз ичига олибгина қолмай, мандал (сеҳргарлик диаграммалар) ва мадр (диний маросим ҳаракатлари) ҳақида ҳам қайд қилинади.

VII асрдан бошлаб тантра Махаяна мактаби тарафдорлари учун асосий қутқариш воситасига айланади. Агар «Мантра-яна» (“Мантр чархпалаги”) иши бўйича фикр юритиладиган бўлса, унда сеҳр-жоду амалиётисиз ҳеч нарсага эришиш мумкин эмас. «Маха-Вайрочана-сутра»нинг тўртинчи бобида мантр сеҳрли кучлари қуйидаги тарзда изоҳланади: будда ва бодхисаттвларнинг дастлабки қасамлари туфайли сеҳрли кучлар мантрага ўтди²⁹.

Афсун дуолари турли шаклга эга бўлиши мумкин, масалан: Ити мити кити-бхих ксатипадани сваха» ёки «Ом мани падме хум», буни таржима қилиш фойдасиз. Чунки сўз маъно жиҳатидан оғир, шунинг учун уларни фалсафий нуқтаи назардан тушуниш мумкин эмас. Гуру китоб бўйича ўрганиш мумкин бўлмаган, ўзининг йогик тажрибалари ёрдамида уларнинг ички қадриятини англайди деб ҳисобланади. Ва шунинг учун адабий мазмун моҳиятини англашга ҳаракат қилмайди. Тантристлар сеҳр-жоду дуолари махсус идиомалар, ишора тиллари ва махфий шартлиликлар билан ёзилган. Шундай экан одатий мантиқ олий тажриба тафаккурини акс эттириш ҳолатида эмас. Шунинг учун устоз тантрист рамзларга, бир турли сўзларга, парадоксларга мурожаат қилган.

Шундай қилиб, мантрнинг қадри ва унинг аҳамияти фақатгина сеҳр-жоду дуоларидан таркиб топган сўзларга боғлиқ эмас. Декламаторнинг қанчалик эркинлигидан ва бирдан англай бошлашидан, ифодали ўқишга, такрорлашга, диний ҳатти-ҳаракатлар ва сеҳрли диаграммани билишга катта аҳамият

²⁹ Бодхисаттвларнинг қасами: “тирик мавжудотлар қанчалик кўп бўлмасин, қасам ичаман барчаси қутқарилсин. Сон-саноксиз Дхармалар қанчалик бўлмасин, қасам ичаман барчаси буйсундирилсин” (История Индии в средние века. М., 1968. С. 206).

беради. Тантрик назарияга мувофиқ, энг муҳим диний ҳаракатлар бизнинг уч томонимизга таъсир қилиши керак яъни тана, нутқ ва фикр. Тана ҳатти-ҳаркатлар ёрдамида, нутқ- мантр орқали, фикр – гипноз орқали таъсир қилади. Тантра мадҳъямиклар метафизикаси билан ва йогачарлардан ўзлаштирилган медитация амалиёти билан маънавий устоз нуфузида кўр-кўрона эътиқодга эришишда бирлаштиради. Тантра мифологик илоҳларнинг улкан пантеонларни, ғайри табиий кучларни, сеҳргарликни, жодугарлик, қора сеҳргарликни мерос қилиб олди. Тантристлар «Праджанাপарамити» метафизик тасдиқланишига қаршилиқ қилмайди, ягона аниқлик бу мавҳумлик, қолган барча турли-туманлик – бу фақат бизнинг носоғлом хаёл ўйинимиздир.

Тантристлар шундай таълим берадилар, инсон танаси – бу феноменал дунё кўринишидаги паст ва юқори шаклни ўз ичига олувчи микрокосмос. Бу микрокосмос кўкдаги ёки жаҳаннам ҳолатига ағдариб ташлаш мумкин. Инсоният маънавий юксалиши ёки қулаши ёрдамида ички учта вена умуртқаси кўрсатилади. Расана – марказий венадан чапда Лалана венаси, ўнгда - Авадхутика венаси жойлашган. Лалана ва Авадхутика марказий венага дахлдорлар бўлмасдан уни ўраб олган. иккитаси спирал шаклга эга бўлган бу учта вена орқа чиқиш йўлидан кўз олмаси марказига кўтарилади. Лалана венаси илм билан, Авадхутика эса – ачиниш ҳисси билан тенглаштирилган. Биринчи вена – ҳаракатсиз (фаол эмас, тоза илм), иккинчи вена динамик дунёвий кучларни акс эттиради. Тантрага бағишланган нафас олиш машқлари ёрдами билан, ёнбош веналар бўйича марказий венага ачиниш ва донишмандликни кўтаришга ҳаракат қилади. ачиниш ва донишманд бу иккала кучлар бирга қўшилиб, фикрнинг ойдинлашувини вужудга келтиради. Қачонки, ойдинлашув кўз олмасига етганида тўсатдан фикрнинг очилиши чулғаб олади, ва инсон “олий ҳақиқат”ни англайди.

Донишмандлик (пражна) барча қарашлар ривожланадиган аёл нуктаи назарларини ўз ичига қамраб олувчи сушт ҳисобланади; раҳм-шафқат эса ҳар томонлама фаол севги-муҳаббат эркак нуктаи назарлари билан тенглаштирилади. Шунинг учун тантристларда фикрнинг ойдинлашуви жараёни севги-муҳаббатнинг ҳаяжонланиш даражасидаги эркак ва аёлнинг бир-бирига қўшилиб кетиши каби рамзий тасвирга эга бўлди. шунга ўхшаш тасвирлар кўпинча тибет монастирларида учрайди. Фикрнинг ойдинлашуви жараёни сифатида, жинсий муносабатларнинг баёни Махаян мактабига оид айрим ишларда учрайди.

Тантристлар буддизмнинг бошқа мактабларида қайта ишланган бошқа усулларга қараганда, шунга ўхшаш ҳақиқатни билиш методларини анчагина самаралироқ дея даъво қиладилар. Бироқ уларнинг ишонтиришлари бўйича, тантрик афсунларининг медитация билан қўшилиши юқори маънавий даражагача кўтирилишга қобилиятсиз кўпгина тарафдорларга ғайри табиий имкониятлар бахш этиши мумкин. Шунинг учун тантристларнинг қайд қилишича, сеҳр кучларига бахш қилинган эътиқодчилар булардан қандай қилиб фойдаланишни билмайдилар ва йўлдан оздирувчи ҳавасларини тутиб туrolмасдан ичкиликбозлик ва фаҳшга берилиб кетганлиги амалиётда кўпинча кузатилади. Ва бундай одамлар гўёки ҳақиқий тантристлар ҳисобланмайди.

Шунингдек, улар ўзларининг динини ва унинг “юксак” эзотерик амалиётини камситадилар. Тантрик диний адабиётларда, эътиқодчиларни билимсизлик оқибатида кириб қолиши мумкин бўлган йўлдан оздирувчи йўллардан сақлаш учун, тантристларга фақатгина диний устоз бошчилигида халос бўлишга эришишга кўрсатма берилади. Бундай устоз унинг таълимотига итоат билан риоя қилишга ва унинг барча талаб ва кўрсатмаларини бажаришга рози бўлган шогирдларни маълум тантрик усуллари ва амалиёти билан бўлғувчи мутахассисликка йўналтиради. Ҳар бир устоз ўзининг усули ва эзотерик амалиётини тўғри деб ҳисоблайди. Тибетда қанча лам (Тибетда будда дини рухонийси) бўлса, шунча дин деган маталнинг мавжудлиги ҳам бежизга эмас. Ўзининг устози атрофида тўпланган эътиқодчиларнинг кичик бир гуруҳи, бу гуруҳдан ташқарида амалга оширилаётган ва айтилаётган гаплар ҳақиқатдан анча узоқда деб ҳисоблайдилар.

Палий канонларида қайд қилинганидек, агар будда халос этишга хизмат қиладиган заррача илмни ҳам сир тутмаслигидан фахрланса, унда тантрлар учун эзотерик ва экзотерик амалиёт ўртасидаги бўлиниш катта аҳамиятга эга. Экзотерик амалиёт барча эътиқод қилувчилар учун тушунарли. Эзотерик амалиётни эътиқодчилар эса шахсан диний устоз раҳнамолигида билиш мумкин. Покланмасдан диний таълимотни бошлашнинг имкони йўқ. Шунга ўхшаш ташаббуслар фақат ривожланмаган жамиятда сақланиб қолган. Шунинг учун тантрик буддизм ибдитоий фикр ва ҳатти-ҳаракатга айланган деб ҳисоблаш мумкин.

Эҳтимол, I м.й охири ва II м.й. бошларида тайлар фақатгина тантризмнинг амалиёти билангина эмас, унинг айрим фалсафий мазмуни билан ҳам таниш эдилар. Тайлар эътиқодида сингал буддизми тасдиқлангандан кейин, анимистик ва пуранистик диний культлар билан бирга мавжуд бўлган тантрик буддизмининг кўпгина сеҳргарлик амалиёти сақланиб қолди.

III. Пураник динлар. Тайлар ва Лаосликлар ўзларининг Ҳиндихитой ҳудудига жойлашиши даврида, ҳиндлаштирилган халқлардан пураник диннинг таркибий қисмларини ўзлаштириб олдилар. Тайлар «Атхарваведа» (афсунгарликнинг 12 китоби) орқали брахманизмдан, Аютия даврида кенг тарқалган сеҳргарликнинг ўзига хос хусусияти маросимларини ўзлаштирдилар. «Атхарваведа» матнларида афсунгарликнинг моҳияти қайд қилинган. Мазкур тўпламнинг айрим мадҳиялари кўпинча моддий бойликлар тақдим этиши тўғрисида илтижо билан илоҳларга мурожаатни ўз ичига олган диний формула кўринишида тузилган. Матнларда афсунгарлик хусусияти таъсирининг аниқ баёни тез-тез учрайди. Тайлар ҳинд пантеон худолари ва ҳимояловчи фаришталарни ўзлаштирдалар: уларга Брахма – яратувчи, Вишну – муҳофаза қилувчи, Шива – бузғунчи, Митра, Варуна, Паржанья, Вритра, Агни, Индра ва бошқалар маълум эди. Тайларда айниқса худо Индра машҳур эди. веда динига мувофиқ, бу барча худолар турли нарсалар ва ҳодисаларда бу нарса ва ҳодисаларнинг сифатли томонларидан бирини аниқлаб гавдаланиши мумкин. бир неча усуллар орқали Бу илоҳий объектларга таъсир қилиш мумкин: нутқ ёрдамида яъни объектга ҳамду-санолар айтиб диний қурбонлик орқали; объект

устидан амалга ошириладиган афсунгарлик, жоду ҳаракатлари ёрдамида яъни афсунгарликни тақлид қилувчи туморлар орқали “тўғридан-тўғри таъсир”.

Тайларнинг турли маросимларида афсунгарликни қўллаш бўйича кўпгина далиллар мавжуд. Масалан, XIII асрдан тилга олинувчи ва ҳозирги вақтгача ҳар йили амалга ошириладиган, ёмғирни чақириш ёки «баруна сатра» маросими. Қурғоқчилик йилларида брахман ибодатхоналаридан индуист худоларининг шакллари олиб чиқилади. Худоларга совғалар – гуруч ва ҳ.к. олиб келинади. Роҳиблар ва брахманлар кунига икки марта гулчамбар байроғини силкитиб, афсун дуоларини ўқийдилар. Кечқурун худолар яна ибодатхонага қайтариб киритилади. Ва бу ишлар кетма-кет уч кун амалга оширилади³⁰. Қачонки аксинча қуруқ об-ҳаво зарур пайтда, ёмғир худо ҳайкаллари хўллаши зарур бўлгани учун, ибодатхона томи кўтарилади. Эътиқодчиларнинг фикрига кўра бу амал, худони тез фурсатда хоҳишларини бажаришга мажбур қилади³¹. «баруна сатра» маросимида диний ҳаракатлар ва афсунгарликнинг чатишиб кетиши мавжуд: худоларга нисбатан тадбиқ қилинадиган мажбурий чоралар, кимнинг ғазабланган ва сушт “қадрловчилари” уларга совғалар олиб келиниши билан раҳм-шафқатли худо билан мослашади³².

Индуист диний маросимлари ва афсунгарлик расм-русумлари, фасл маросимлари вақтида амалга оширилади: Сонгкран (Янги йил байрами – апрел ойида), Пхра Рача Питхи «баруна сатра» (ёмғир чақириш маросими – кўпинча август ойида), Лой Кратхонг фестивали (совғалар ва ёнган шамлар билан турли қайиқлар оқимида дарёга қўйиб юборилади - ноябр), буна маросими (тақдирга сазовор ишларни (савоб) тўплаш учун – ноябр ойидан март ойигача); қирол янги йил маросими (апрел), Чакри сулоласининг йиллик маросими (апрель), биринчи эгат маросими (май) ва қиролга тож кийдириш ва туғилиш маросими (5 май) каби давлат маросимларида.

1. *Жанубий-Шарқий Осиёда буддизмининг диний маросимлари.* Юқорида қайд қилинганидек, II м.й нинг бошларида буддизм фалсафий ва назарий, этика ва мантиқ тизими билан, космологик ва космогоник жиҳатдан қайта ишланган, халқ ривоятлари, афсона, эртақ, мақол, маталларини ўз ичига олувчи улкан адабиёти билан ва ривожланган диний маросимлари билан дунёвий динга айланган эди.

Буддизм тай халқ эътиқоди орасига суқилиб кириб, маҳаллий диний маросимларни ва таълимотни ўзлаштирди. Жуда катта адабиёт билан қуролланган будда жамоаси, каноник яъни диний муқаддас жатаки, авадана, сутраларни халқ афсоналари ва одатларига мослаштириб аҳоли орасида маҳаллий тилда тарғибот ишларини олиб бордилар. Будда этика тизими тай жамиятининг анъанавий ахлоқига узвий равишда чатишиб кетди. Эътиқодчиларга ўрта ахлоқ йўлига амал қилишни тақлиф қилиб, буддизм ижтимоий ҳаётда ҳеч нарсани инкор қилмади ва ҳеч нарсани тасдиқламади. Роҳиблар қишлоқ жамоаси аъзолари қайси худога ёки руҳга сиғинаётганига, кимнинг диний расм-русумларини бажараётганига ва қайси маросимларда

³⁰ Иванова Е. В. Тайские народы Таиланда. М., 1970. С. 138.

³¹ Фрэзер Дж. Золотая ветвь. М., 1928. С. 101.

³² Иванова Е. В. Тайские народы Таиланда М., 1970. С. 138.

иштирок этаётганига умуман қизикмадилар. Қишлоқ жамоаси аъзоларига улар, худо ва руҳлар ҳам ҳаёт чархпалагида ҳаёт кечирадилар, улар ҳам жисмоний қийинчиликларга гирифтор, шунинг учун ҳақиқатни англаган Будда худолардан устун туради; дунёвий кишининг энг яхши ёндашуви бу Будда ёки худоларга сажда қилиш билан эмас, ҳар кунги бешта ахлоқий қоидаларга амал қилиш билан хулосаланади. Нирваналар, дхарма назарияси, медитация ўрнига улар қишлоқ жамоаси аъзоларига, дунёвий киши ҳар кунги диний тақдирга сазовор хизматларни тўплаш йўли орқали ўзига яхши карма яратиши мумкин бўлган карма таълимотини таклиф қилдилар. Ва асосий диний қадриятларини будда жамоаси манфаатига йўналтирилган ишлар ва фикрларни маълум қилдилар.

Сангха будда динининг томошабоп ва тантанали томонига ғамхўрлик қилдилар. Гарчи таъломотга мувофиқ, роҳибларнинг диний ва байрам маросимларда иштирок этиши улар учун куч ва вақтнинг беҳуда сарфланиши бўлади. Шундай бўлса ҳам, монастырларда турли хил ибодат билан боғлиқ расм-русумлар, диний маросимлар, томоша тадбирлари, байрам ярмаркалари ва ҳ.к. ташкиллаштирилди. Аста-секинлик билан монастыр қишлоқ жамоасининг диний талабларини қондирибгина қолмасдан, иқтисодий, ҳуқуқий, оилавий, жамоавий, трабиявий ва бошқа маҳаллий жамият муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий ҳаёт марказига айланиб борди.

Будда жамоаси ва ижтимоий муҳит алоқалари қадимги тай эътиқодларига, маҳаллий анъаналарга будда таълимотини мувофиқлаштиришга олиб келдилар. Будда жамоасининг ўзида доимий равишда метафизика таълимотининг изоҳи масаласи бўйича, интизомий устав бўйича, қарама-қаршиликлар рўй бериб турди. Оғзаки анъаналар Будда томонидан айтилган фикр “ҳақиқатларига” қанчалик мос келиши тўғрисида баҳс-мунозаралар олиб борилди. Бу ташқи ва ички жараёнлар будда жамоаларида мазҳабчиликни келтириб чиқарди. Аста-секинлик билан маҳаллий анъаналар ва эътиқодларга буддизм таълимотини мослаштириш ва динда тай жамиятининг тузилиши ва ижтимоий муносабатларнинг акс этиши натижасида, тўла асосда тай буддизми деб номлаш мумкин бўлган буддизмнинг янги кўриниши таркиб топди. Тай буддизмини фақатгина диний дунё қараш сифатида эмас, буддизм эстетик дид, воқеликка муносабат ва дунёқараш фикрлари, ахлоқнинг маълум кўринишларини барпо қилган анъанавий жамият ҳаёт тарзининг бир томони сифатида қараш керак.

2. *Буна мафкураси.* Тай, Лаос, ва Вьетнам буддизмининг диний мажмуасида «бун и баб» концепцияси марказий ўринни эгаллайди. «бун» сўзи (пали тилида “пунна”), Сангхага фойда келтирувчи ҳатти-ҳаракат, тақводор иш, тақдирга лойиқ хизмат (савоб), ҳар бир шахснинг кармасини яхшиловчи ҳатти-ҳаракатни билдиради. «баб» сўзи гуноҳ, ёвузлик билан, диний ахлоқ қоидаларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлар билан тенглаштирилади. «бун и баб» концепциясида фақат бун маълум аҳамиятга эга. Шундай экан бундан бош тортиш, аслини олганда сангх ва динни қўллаб – қувватлашни рад қилишни билдиради. Тай тилида дунёни англаш ва диндорларнинг ахлоқини идрок қилиш тушунчаси тизимини аниқлаштирувчи, буна тушунчаси билан боғлиқ маълум лингвистик моделлар мавжуд. Бу моделлар кўпгина атамаларни ўз

ичига олади. Масалан, «ау бун» (бунни танламоқ), унга тенг бўлган «тхам бун» (тақдирга лойиқ ишлар (савоб) қилмоқ) – тақводор ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш; «бун кхун» (бун - яхшилик) – хайр-соховат; ; «ми бун кхун» (бун-яхшиликка эга бўлмоқ) – миннатдор бўлмоқ; «бун ха май» (бунни тополмасдан) – ўлмоқ ва бошқа.

Сангх аъзолари яъни роҳиблар билан қишлоқ жамоаси аъзоларининг алоқалари натижасида бу тушунчаларнинг аксарият қисми юзага келди. Ва биринчи галда будда роҳибларига ва монастирларга (вата) ҳадяни билдиради. Бун ҳадянинг шарофати билан амалга оширилмайди, санг аъзоларининг ҳохиши натижасида бу тортиқни қабул қилиш деб ҳисобланади. Бу дунёда тўпланган эзгу ишларнинг йиғиндиси, инсонга келгуси ҳаётида у бой, билимли, соғлом бўлиб гавдаланишига ишонч берган. Шу билан бирга буннинг тўпланиши бу ҳаётда маълум бир натижага эга бўлган. Шундай экан диний мажбуриятларни бажаришни англаш инсонни бахтли ва хотиржам қилади.

Таиланд будда динига эътиқод қилувчиларнинг тушунчаларига мувофиқ, агар бун бабга қараганда кўпроқ бўлса, унда тушуниш мажмуаси (винайн)³³ жаннатга (саван) эришади. Қачонки, бун тугаса, винайн ерда қайтадан вужудга келади; агар бун ва баб тенг миқдорда бўлса, унда винайн аввал дўзахга (нарок) тушади ва баб тугамагунча ўша ерда қолади. кейинчалик ерда яна қайтадан вужудга келиш олдидан, бун натижасидан завқланиш учун осмонга кўтарилади. Агар баб бунга қараганда кўп бўлса, унда баб қуриб битмаганча, винайн дўзахда ёки пхи сифатида ерда дайдиб юради деб фикр қилинади.

Диний, маиший ва таиланд жамиятининг ғоявий муҳити ҳаётида бун диний қадрият сифатида пайдо бўлади.

Диндорлар ўз ҳаёти давомида илк ёшлик чоғидан то кексайгунича имкон қадар кўпроқ бунни тўплашга ҳаракат қиладилар. Эзгу ишларни амалга оширишнинг юзлаб усуллари мавжуд ва ёмон ҳатти-ҳаракатларнинг имконияти ҳам шунча. Буддизм таълимотига мувофиқ, диндорлар ҳадяни ёки хайрли ишларини ҳеч қандай мажбурий чораларсиз ва қилган ишларидан пушаймон бўлмасдан, ихтиёрий равишда чин юракдан амалга ошириши шарт. Акс ҳолда унинг хайрли ишлари у учун ёмонлик келтириши мумкин. Диндорлар амалиётда келажакда моддий тақдирга эга бўлиш учун бунни эътиқод билан амалга оширадилар.

Пойтахтдан анча узоқда жойлашган бир монастирнинг бош руҳонийси “тақдирга лойиқ ишларни (савоб) тўплаш” тушунчасини қуйидаги тарзда изоҳ беради: “Бизнинг эзгу ишларимиз биз нима қилаётганимиз, айтаётганимиз ёки ҳис қилаётганимиз натижаси ҳисобланади. Қўлимиздан келадиган эзгулик ва биз қабул қиладиган мукофот бу тақдирга лойиқ хизмат ҳисобланади. Улар олиб келадиган ёмон ҳаракатлар ва жазо ёвузлик ҳисобланади. мукофот ва жазони қабул қилиш каби бу ахлоқий жараёнлар қайта гавдаланиш узлуксиз кармик циклида давом этаверади”³⁴.

³³ Винайн – бу инсон фаҳми, тушуниш мажмуаси. бир-бирига ўхшаган инсонлар билан боғланиши мумкин бўлган Кхвандан (ҳомий - рух) фарқли равишда винайн инсоннинг онгли маънавий аҳамиятини ўз ичига олади. Винайннинг йўқолиши билан инсон ўлади.

³⁴ Корнев В. И. Тайский буддизм. М., 1973. С. 64.

Буннинг бу тарзда топширилишининг энг хусусиятли жиҳати, боғичдан фойдаланган ҳолда роҳиблар томонидан бажарилувчи маросим ва расм-русмларда бўлади. Боғичнинг бир томони Будда ҳайкалига боғланади, роҳиблар қўлида ушлаб туради, боғичнинг иккинчи томони эса бун ўтказилаётган субъект ёки объектга (масалан, касалга, ўлган кишига, жасад кули солинган идиш, сувни тозалаш учун, иморат ва ҳ.к.) яқинлаштирилади. Роҳиблар ваъз кўпинча дуоларини ўқийдилар. Ва сўзнинг илоҳий қудрати туфайли бун Буддадан, роҳиблардан, матннинг ўзидан объект ёки субъектга ўтказилади. Инсон ҳаётида содир бўладиган энг катта ҳодисалар сангхи аъзолари иштирок этувчи тхам бун маросимида нишонланади. Гарчи меъморий мажмуа сифатида ват қишлоқдан ташқарида жойлашган, у қишлоқ ҳаётининг маркази бўлиб ҳисобланади. Дехқонлар қишлоқ роҳибларига қараганда тез-тез монастирга ташриф буюришади. Тай қишлоқларида умумий ёш фарқини акс эттүрүвчи атамалар кенг тарқалган. Сангха аъзолари ўзига хос ҳурмат статусига эга эдилар. Ота-оналар роҳиб-ўғилни «хуа лук» (бош фарзанд) деб атайдилар. Хуа (бош) - ҳурмат маъносида, чунки бош тананинг илоҳий қисми, ёки кхван унда яшайди. Будда тасвирлари ҳурматли шахслар, ва сангха аъзолари “онг” ҳисобли сўздан фойдаланишади. Будда Роҳибларининг роли тай маданиятига буддизмдан ва қисман сангха орқали суқилиб кирган билиш, ахлоқ ва трансцендентал (идеалистик фалсафада: ҳодисаларни тажриба билан эмас, балки фақат ақл-идрок билан тасаввур қилиш мумкин деб тушунувчи) қадриятлар билан боғланади. Миллат, содиқлик, ватанпарварлик, давлат каби тушунчалар бун орқали дин билан боғланади.

Буддизм айниқса кармик жараёнга ўзига хос катта аҳамият билан қарайди. Ҳар бир шахс келажакда мукофот ёки жазо олишига яраша, ҳаётда муаммолар танлаш йўли олдида туради. Эзгу ишларнинг тўпланиши шахсий муҳимлиликка елтади ва шахснинг ижтимоий қадриятини аниқлаштиради яъни бун бўлувчи ва бирлаштирувчи ўлчам сифатида чиқади. Шахсий муҳимлилик ёзма анъаналарда ва кундалик ҳаётда таъкидланади.

Фақатгина ҳар бир шахсгина бунга эга бўлиши ва уни тўплаши мумкин. Қишлоқ жамоаси аъзоси учун фақат ижтимоий муҳитда унинг ҳаёт тарзи ва ҳатти-ҳаракатларини баҳоловчи “эзгу ишларга (савоб)” эришиш мумкин. Шунинг учун ҳар бир шахснинг ахлоқий статуси ҳар қандай вақтда унинг борлиғича сабаб бўлади, ёки унинг ўтган охирига етказилган ишларидан қатъий назар аниқ вазиятларда намоён бўлади. Кимсанинг бошқа қадриятлари одатда ўзининг қилган хайрли ишларининг таъсири орқали кўрилади.

Буддизм, агар илоҳий билим ва диний донишмандлик фаол ҳаракатларининг аниқ бир мақсадга қаратилишига эришилсагина, унда диндорлар ва қавмлар томонидан тан олинган хайрли ишларни тўплаш орқали эришилувчи бойлик, ҳокимият, юқори ижтимоий статус каби бундай аҳамиятлар пассив, билвосита натижалар ҳисобланади, дея таълим беради.

Ижтимоий фикр руҳонийнинг диний хизматини тан олади. Бу унинг «бункхун»ини тасдиқлайди ва ҳаётда унга бошқа қадрга эга бўлишга имкон беради деб тушунилинади. Бун концепцияси туфайли роҳибнинг ва қиролнинг ижтимоий статуси тай маданиятида бир мунча пухта қайта ишланган ва

расмийлаштирилган³⁵. маҳаллий жойларда Роҳиб ролининг аҳамияти шу билан хулосаланадики, роҳиб қишлоқда энг ҳурматли киши ҳисобланади. Негаки эзгу савоб ишларни тўплаш ва амалга ошириш учун у кўпроқ имкониятларга эга. Диний жамиятида туриш ва унинг уставига амал қилиш зарурияти, роҳибга ўзи, оиласи учун ва барча қавм учун бун тўплашга имконият беради. Икки оламга бўлинган сангха аъзолари ва қишлоқ қавми ўртасида расман маълум услубга солинган муомала шакли, ҳар куни ўзининг тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақида таъкидланади. Роҳиб атрофида ижтимоий ва маданий ахлоқ ташкиллаштирилувчи марказий сиймо ҳисобланади. Баъзида нуфузли бош рухоний ҳукумат амалдорларига ва жойларда давлат муассасалари сиёсатига ўзларининг муҳим фикр билан чиқади. Ахлоқнинг умумий концепцияси тез-тез сангха аъзоларининг ахлоқи билан тенглаштирилади. Бунни амалга ошириш истаги тўғридан-тўғри монастир билан фикран боғланади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳақиқий ишонч ҳукумат амалдорларига қараганда монастир ва унда яшовчиларга муҳим даражада боғлиқ. Дехқонни жамоат ишларига жалб этиш зарурияти пайдо бўлса, амалдорлар яна бун концепцияси орқали дехқонни етакловчи ва тартибга солувчи роҳиблар ёрдамидан фойдаланади. Тайларнинг нигоҳида давлат тадбирлари ва маросимларида рухонийларнинг иштирок этиши қонунга мувофиқликни бахш этади. Ва уларни янада асосли қилиб, ижтимоий интеграция муҳитини яратади.

Монастир фақатгина эзгу савоб ишларни тўплаш ва амалга ошириш жойи ва маҳаллий жамият ижтимоий ҳаёти маркази бўлибгина қолмасдан, асосий қишлоқ институти ҳам эди. Монастир – маҳаллий аҳолининг ифтихори, у энг ичройли жойда қурилади ва энг яхши иморат тузилишига эга бўлиб, тозалик ва тартибда тутиб турилади. У яхши ҳаётга завқ берувчи, бошқача қилиб айтганда, кармани такомиллаштиришга, анъаналарнинг давом эттирувчиси сифатида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, буннинг муҳим ижтимоий функцияси будда динига эътиқод қилувчилар томонидан икки томонлама хизмат механизми сифатида тушуниб англашда яширинган. “икки томонлама хизмат” ахлоқ қоидалари тайларнинг кўпгина ўзаро муносабатларида кузатилади. Роҳиб асосан ўзининг роҳиблик фаолияти ва ҳаёт тарзи орқали, жамоа аъзосининг моддий кўмаги туфайли ҳам савоб ишларга эга бўлади, бу моддий кўмак эса аслида жамоаси аъзоси учун бун тўплашда энг муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Роҳиб эътиқодчиларга монастир орқали эзгу ишларни (бункхун) ва уйда бажариладиган расм-русмлар ва маросимлар ёки ижтимоий тадбирларни амалга оширишга имконият бериб, диний ва жамоат фаолиятида иштирок этиб ҳам эзгу савоб ишларни тўплайди ва эвазига эътиқодчилардан моддий ҳадя, моддий кўмак ёки ҳукуматнинг миннатдорчилигини қабул қилади. Роҳиб ёки жамоа аъзоси бўлмасин, эътиқодчилар айрим эзгу ишлари эвазига яъни бошқа кишига

³⁵ Тай буддизми таълимотига мувофиқ, қирол қайта тирилган олийлардан бири ҳисобланади. Бойлик ва унинг шахсияти олдин қилган хайрли ишларининг йиғиндиси билан хулосаланади. Қирол ва қиролича тай дехқонлари учун миллий бирлик ва одоб сақлаш тушунчасини ўзларида бирлаштиради. Негаки уларнинг киёфасида дин ижтимоий ва сиёсий кадриятлар билан бирлашади. Ҳокимият билан заиф боғланган қариқийб ҳар бир дехқонларнинг уйида қирол ва қироличанинг портретини учратиш мумкин. Маҳаллий аҳоли ҳам уларга катта ҳурмат билан қарайди.

ёки гуруҳ одамларига яхши муносабатда ёки хизматда бўлиб ҳам бун тўплайдилар.

Кўпгина тадқиқотчилар, деҳқоннинг ҳукумат амалдорларига ва уларга тавсия қилинган тадбирларга шубҳа билан қараш далилларини қайд қиладилар. Буннинг ўзaro икки томонлама механизми деҳқон ва ҳукумат муносабатларида ҳам намоён бўлади. Давлат тадбирларида деҳқон ёки жамиятнинг ягона улуши ўртасида ва деҳқонда “ўзaro хизмат” тамойили тушунчасининг йўқлиги натижасида қайта топширишда катта вақт фарқи мавжуд. Бу ўзaro икки томонлама механизм ҳаттоки ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда ҳам ҳаракатга келади.

Шундай фикр туғиладики, будда динига эътиқод қилувчилар хизматларни “тарозида” ўлчайдилар; кўпгина эзгу савоб ишлар ҳузур-ҳаловат, кўп гуноҳ ишлар – бир талай бахтсизлик ва фалокат олиб келади. Келгусидаги ҳаёт ўзларининг ақл идрокига асосланган ҳисоб-китобининг натижаси бўлган ғайри табиий “бухгалтерлик китоби” кўринишида ифодаланади. Улар ўзлари учун кейинги туғилишида яхши жой мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар яъни бун ҳаётий ҳисоб-китоб стратегиясини аниқлайди. Таом хайр-садақа қилиш келгусида мазали таомларга эга бўлиш ҳохишини билдиради; роҳибларга кийим-кечак ҳадя қилиш келгусида бир талай чиройли кийим-кечакларга эга бўлишга уларни дуо қилиш керак. Монастирга қўнғироқ ҳадя қилувчи ёқимли овозга эга бўлишни истайди; фақирларга берилган бир танга садақа – келгусида кўп пулга эга бўлишни билдиради. Ҳар қандай хайрли ишлар биринчи навбатда, “эвазига мен нимага эга бўламан?”, “бу ҳатти-ҳаракат менга қанча эзгулик олиб келиши мумкин” деган фикрни уйғотади. диний ва ижтимоий ҳаракатларда пайдо бўлган бу мулоҳазакорлик, бу моддий бойликларни маънавий бойликларга алмаштириш имконияти ва аксинча шак-шубҳасиз, эътиқодчилар учун уларнинг ҳаётий вазиятларида яхши психологик ҳимоя бўлиб хизмат қилади ҳамда кўпгина шахсларда барқарор психологик фазилатларни тарбиялаши зарур³⁶.

Тай ва Лаос деҳқонларининг психологик хусусиятлари тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар бўйича тушунчаларни тузишга ҳаракат қилсак, унда уларнинг умумлаштирилган фикри тахминан шундай кўринишга эга бўлади: тайлар сусткаш, тақдирга ишонувчилар, кўпроқ уларни қалби эмас қорни ташвишга солади; фақирлик ва очликдан даҳшатли кўрқадиладар. Уларда саноат даври, ҳассиёти, интизом ва ахлоқнинг ташкилий тузилиши мавжуд эмас. Ахлоқ уларда ижтимоий эмас, бағоят шахсий. Ёшни ҳурмат қилади, миллатчилар бошқа маданиятни тез қабул қилсаларда, эскилик тарафдорлари, ўзларининг ҳаётларида маросим ва расм-русмларни муҳим деб ҳисоблайдилар. Тортиниб турадилар, ишёкмас дангасалар, ишончга барқарор эмас, совуқ қон, охир вазминлар. Ҳаётга муносабати фалсафий нуқтаи назарга қараганда, кўпроқ тажрибага асосланадилар. Ўйлаш тасаввур қилишга эркинлик бермайдилар. Муваффақиятлар ва омадсизликлар олдида ҳаяжонланмайдилар. Ўз-ўзининг

³⁶ Психологик барқарорлик ўсиб бораётган майл-ҳавасларни қондиришнинг имконияти чекланган шароитларда ҳаракатни мақсадга мувофиқ тартибга солишни йўналтириш усуллари билан аниқланувчи “МЕН кучи”га боғлиқ.

ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини танқид қилиш билан шуғулланмайдилар. Камтар, ижтимоий қоралашдан кўрқадиладар, ҳар қандай можаролардан қочишга ҳаракат қиладилар, шунинг учун ўғрига тўс-тўполон кўтармасдан, қўшнисиникида ўғирлик қилишига имкон беради. Амалиётчилар ҳаётда: “Сизлар бошқаларга қараганда ақллироқ, айёроқ бўлишларингиз керак”. Ўша пайтнинг ўзида қайд қилинади, улар меҳмондўст, хушмуомала, хушчақчақ, оғзаки ва спортга оид турли-туман ўйинларни ва ўйин-кулги томошаларни хуш кўрадилар. Қизиқ ва ёқимли билан боғлиқ таъсир ёки муҳит «санук» ёки «санук ди» сўзи билан ифодаланади. Ҳосилни жомоа бўлиб йиғиш, маросимларга ташриф буюриш, сайловларда иштирок этиш, театр труппалари ёки декламаторнинг намоишлари, мажбурий тарзда бўлмаган ҳар қандай йиғин «санук» ҳисобланади. Шундай вазиятлар қайд қилинганки, фақат шунинг учунки шаҳарда иш «санук» бўлмасагина тайлик шаҳар корхонасидан ишдан бўшаган ва қишлоққа қайтган. «санук»ни тайларнинг у ёки бошқа фаолиятга иштиёқ майли даражасини белгиловчи қадрият сифатида қараш мумкин. Бу ҳаётий қадриятнинг мавжудлиги тайларнинг дунёга, барча янгиликларга ва янги маълумотларга қизиқиши тўғрисида таъкидланади. Тайлар кулишни хуш кўради ва кулдирувчи қизиқчиларни ҳурмат қилади. Бу қадрият яъни «санук», ҳаттоки диний ҳаётда ҳам мавжуд.

Шу аснода айрим тадқиқотларда бошқа этник маданият ахлоқ моделларидан келиб чиққан ҳолда (сусткаш, тақдирга ишонувчи, интизом ва саноат даври ҳиссиётининг йўқлиги каби шундай баҳоловчи хусусиятларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади) тайларнинг ахлоқий йўсинларига ахлоқий баҳо беришга ҳаракат қилинган.

Келажаги йўқ шунга ўхшаш қиёсий ўхшашлар негаки тайлар ва вьетларнинг ўзига хос хусусияти ва ахлоқи, шахсий генезис ва вазифаларга молик бўлган ижтимоий ҳодисалар билан аниқланган. Ахлоқнинг эмпирик ва мантикий баҳоси – бу биринчи навбатда уларнинг ахлоқий позицияси эмас ҳар бир шахс ёки гуруҳга таъсир қилувчи танқид шароити.

Тай буддизмида «бун» ва «санук» тушунчалари бир-бири билан анъанавий равишда боғланади яъни буннинг тўпланиши «санук»нинг мавжудлиги, инсон агар уни ҳеч нарса ташвишга солмаган вазиятдагина «санук» ҳолатини ҳис қилади³⁷. Бун концепцияси будда этика-ахлоқ тушунчаларини таснифлаш учун бошланғич манба бўлиб ҳисобланади. Буддизмда ахлоқнинг ҳисоби қаердан олиб борилади? Кармадан. Яхши кармани шакллантирган барча ахлоқли ва барча ахлоқли яхши кармани шакллантиради. Каноник буддизм, фақат ахлоқгина инсонни олижаноб ёки разил қилади деб уқтиради. Буни дхарма таълимоти ёрдамимда тушуниш мумкин, шундай экан, дхарма таълимоти – мутлоқо муҳим. Дхарма таълимоти эса ахлоққа айнан эришиш демакдир. Буддизм аниқ учта юқори “олижаноб” қадриятларни ажратади: Будда, дхарма, сангха. Будда – ахлоқий баркамолликнинг тимсоли; дхарма бу тимсолга қандай эришишга ўргатади; сангха – кундалик ҳаётда ахлоқий қадриятларнинг

³⁷ «Дхаммапади»дан келтирилган ибратли сўз маъносини таққосланг: “Агар инсон эзгу, савоб иш қилса, уни яна такрор ва такрор қилсин, ўзининг мақсадларини унинг устига курсин. Эзгу савоб ишларнинг тўпланиши - кувонч” (Дхаммапада. Пер. В. Н. Топорова. М., 1960. № 118).

намунаси ва муҳофаза қилувчиси. Будда ахлоқининг хусусиятли жиҳати унинг амалий томонида ҳисобланади яъни амалиёт ва назария ўртасида аниқ ажратиш йўқ. Назария қачонки уни амалиётда тасдиқласагина у қадрли, энг муҳими – шахсий тажриба, буддизмнинг ахлоқий назарияси кўпинча амалий тажрибани қайд этади. Будда ахлоқ тизими фақатгина ўзини-ўзи камолотга етказиш шахсий тажрибаси устида қурилмайди, буддизм ахлоқнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисида ҳам таъкидлайди.

Буддизмнинг ахлоқий қадрини жамиятда гуруҳ ёки шахс ҳаракатига ўтказишга ҳаракат қилинса, фақатгина ахлоқий “қадриятлар” номининг чексиз жузъий ўзгариши учун эмас, балки бу мантикий қатъий талаб сифатидагина юзага чиқиши мумкин бўлган “қадриятларни” “ерга улаш” имкониятининг йўқлиги учун ҳаддан ташқари чалкашликка олиб келади. Оммавий англашлардан бири сифатида намоён бўлган бун, тай жамиятида ахлоқий тизимга материалистик ёндашишга, ундан Ўтиқодчиларнинг ахлоқига таъсир кўрсатувчи анъанавий, маданий ва сиёсий ахлоқий қадриятларни ажратишга имкон беради.

Таиландда буддизм ўрганилишининг мазкур босқичида фақат тай буддизмининг муҳим томонлари бўлиб ҳисобланган бун концепцияси априориларга (тажрибага, фактларга асосланмаган ҳолда, асоссиз) тахмин қилиш мумкин. Анимистик ўтиқоднинг сақланишида катта роль ўйнайди ва Буддизм ва бошқа диний тизимлар шу жумладан, уларни ягона диний мажмуага бирлаштирувчи анимизм ўртасида боғловчи халқа бўлиб хизмат қилади.

3. *Жанубий Шарқий Осиё буддизмининг диний мажмуаси.* Олдинги бўлимларда тай ва лаос буддизмининг асосий таркибий қисми яъни хинаян буддизми (Махавпхари мазхаби сингал шакли), махаян буддизмининг тантрик тури, анимизм (муҳофаза қилувчи руҳлар ва у билан боғлиқ диний маросимлар ва дайди руҳлар билан боғлиқ расм-русмлар), пураник динлар (сиғиниш ва у билан боғлиқ диний маросимларда дева-ражи, худо-подшоҳни мужассамлаштирган) тўғрисида таъкидлаб ўтган эдик. Тай ва Лаос буддизмининг бу барча ўтиқод тизими ҳазирги вақтда ягона диний мажмуани ташкил этади. диний маросимлар ва юқорида қайд қилинган динлар концепциясининг аралашуви натижасида илмий баён қилиш ўта мураккаб.

Айни ўша пайтларда буддизмда айрим одамлар лаёқатида аниқ ғайри табиий нарсаларни бажариш ишончи тарқалди. Бу лаёқат иттхи (пали тилади – иддхи, санскритчада– риддхи, йога таълимотида –сиддхи) деб номланади. Айрими будда сутталарида иттхи қудрати баёни қайд қилинади масалан, «Саманпа-Пхала сутта»да архатлар ҳукмронлик қилган иттихиларнинг беш кўриниши санаб ўтилади: иттхи амалиёти шуни билдирадики, “келажакда бир ўзи у (яъни архат) кўпчилик бўлади; кўпчилик бўлгандан кейин, у бир ўзи бўла олади; у кўзга кўринувчи ва кўринмас бўлади; у тоғ ва баланд уюмлар, девор орасида тўсиқларга дуч келмасдан юради гўёки бу ҳаводек....., у сувда юради, худдики қуруқликда юргандек; у чатишган оёқлари билан осмон бўйлаб сайр қилади ҳаттоки у, ой ва қуёшга қўлини текиза олади.....”³⁸. Буддизмга

³⁸ Матн парчаси бўйича.: Корнев В. И. Тайский буддизм. М., 1973. С. 73.

мувофиқ, иттхи ёрдамида илоҳий ваҳийларга эга бўлиш мумкин – ҳар қандай ораликда осмон ва ердаги овозларни эшитиш; бошқа кишиларнинг фикрини билиш; ўзининг олдинги шаклини эслаш; илоҳий кўзга эга бўлиш – бошқа одамларнинг олдинги шаклини кўриш. Аммо буддизм иттхи кучларидан ўзининг манфаати учун фойдаланишни ман қилади. Бу қудратни суистеъмол қилиш гуноҳ (дукката) ҳисобланади. Иттхи мисолида шуни қайд қилмоқчимизки, тантрик амалиёти ва буддизмнинг сингал шакли ўртасидаги бўлиниш Таиланд қишлоқ монастирларида шартли хусусият касб этади. (Шаҳарлардаги катта монастирлар ҳар қандай тантрик амалиёти ва сеҳр-жоду расм-русмларини қаттиқ қораловчи одатда дхаммают мазхабига хос).

Фикримизча, Таиландда турли эътиқод шаклларининг мураккаб қўшилиб кетиши, сон-саноксиз (бир неча ўн миллион) улкан ҳайкалдан (50 метргача), эътиқодчилар томонидан тумор сифатида бўйнида тақиб юрувчи то кичкина тасвирларигача, Будда тасвирларида ҳам кузатиш мумкин.

Будда тасвирлари сеҳр-жоду лаёқати эътиқоди ўзининг асосини каноник адабиётлардан олади. Айрим палий канонлари матнларига мувофиқ, Будда инсон сифатида нирванага эришади, ва кейинчалик у инсон тақдирига тўғридан-тўғри таъсир қила олмайди. Халос бўлиш – ҳар бир кишининг шахсий иши. Шу билан бирга Будданинг ўлиmidан кейин, шу билан бирга диний табаррук нарсаларга (махатхату) ўтган айнан будданинг қудратигина эмас, илоҳий матнлар, қимматбаҳо тошлар ва Будданинг безаклари ва архатлар ҳам иттхининг ғайри табиий қудрати Будда ҳаёти давомида тақсимланади. Будда ҳайкаллари ҳам илоҳийлаштирилганидан кейин ғайри табиий кучлар унга ўтилади деб ҳисобланган.

Будда ҳайкали ҳақида гап кетганда одатда мазкур диний рамз статусини таъкидловчи рачасап (подшоҳ тили) фойдаланилади. Таиландда Будда тасвири тўғрисида нарса сифатида гапирилмайди, уни “олий ҳазратлари” деб атайдилар. Тасвир бир жойдан иккинчи жойга “ўтказилмайди”, аксинча у янги “тегишли” жойга “таклиф қилинади”; боши, кўзлари, қўллари, панжалари, оёқлари, ҳайкалнинг товонлари тўғрисида қирол шахсиятига оид атамаларда айтилади. Бу тасвирлар фақатгина сажда қилиш объекти бўлибгина қолмасдан, ғайри табиий куч манбаи ҳам эди. Бронзадан қуйилган ёки лойдан ясалган ҳақиқий санъат асарини ўзида ифодалаган минглаб тасвирларнинг айримлари нусхалари кўз-кўз қилш учун эмас, балки ибодатхоналарнинг ичини тўлдириш учун ёки улкан ҳайкалнинг танаси ёки қўлида бекиниб туриш учун яратилган. Кўпгина диндор эркаklar ва аёллар бўйниларида ривоят бўйича уларга шикаст етказмайдиган бекаму-кўст соҳиби қилувчи Будданинг кичгина шаклларини ёки илоҳий сўзлар ёзилган тумор сифатидаги тахталаларни тақиб юрадилар. Анъанавий эътиқодга мувофиқ будданинг ҳар бир рамзи ёки тасвири (ғилдирак тасвири, ҳайкал ўрнатилган супа, оёқ товони изи, ибодатхоналар – айникса ступа, Бодхи дарахти ва б.) одатда Будда бошида куёш четидан отилиб чиққан аланга кўринишида тасвирланувчи “оташин қувват”нинг бир қисмини мерос қилиб олади. Тасвир қанчалик қадимги бўлса, ғайри табиий кучи кўпроқ бўлади деб ҳисобланган. Анимистик талқин қилиш бўйича бу куч Будда рамзий тасвирларида пхи ва тъапухи рухларининг иштирок этиши билан

тушунтирилади. Агар тасвир рухлар яшайдиган сажда қилиш объекти бўлган маълум бир тошдан ёки дарахт парчасидан ясалган бўлса, унда бу рухлар тасвирда мавжуд бўлади. Агар Будда боши орқасида ва тепасида наг кийимга бириктириб тикилган қайтарма қалпоқ (Шривижайи и Ангкора санъати учун мос келувчи) тасвирланган бўлса, унда ҳайкалга наг қудратининг манбаи сифатида қарайдилар. Тай йилномаларидан гувоҳлик келтирилишича, айниқса маблағларни тўғри сарф қилишни билмайдиган хукмдорлар бир мунча қудратлироқ тасвирларга (масалан, Зумрад қадалган Будда, “Олтиндан ясалган Будда” ва б.) эга бўлишга ҳаракат қилардилар³⁹. Ҳар бир шаҳар ўзининг ўзининг фаровонлиги ва ҳимояси учун қудратли ҳайкалга муҳтож эди. Қачонки, душманлар ҳайкални ўғирлаб кетганда – бу шаҳарни истило қилиш билан баробар бўлган. Шу тарзда Будданинг тасвирларининг айримлари жиддий сиёсий ва ҳарбий тўқнашувларга сабаб бўлган.

XIII–XVI асрларда бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисида маълумот берувчи йилномаларда баъзан қайд қилинадики, машҳур Будда тасвирлари ўзларини номуносиб тутган: қудратли рухларга ўхшаб, улар хушомадгўй кишиларга моддий фаровонлик берган, ғазабини чиқарган пайтларда эса эпидемияни чақирган, бинони ёкиб юборган ва ер қимирлашни чақирган, бундай ҳатти-ҳаракатларни Будданинг ўзи ҳукм қилган.

Ҳайкалларнинг ўзига хос алоҳида ҳис-туйғулари тўғрисидаги тасаввурлар яқингача мавжуд бўлган. Масалан, иккита машҳур ҳайкаллар - “Зумраддан ясалган Будда” ва “Пхра Банг” – бир-бирларини тоқат қила олмаганлар деб ҳисобланган. XVIII асрнинг охирларида уларни биргаликда Тонбурига олиб келганларида, у ерда кўпгина мушибатлар содир бўлган, хусусан, исён кўтарилган, ундан кейин ҳайкалларни икки томонга ажратиб қўйишган. Кейинчалик 1867 йилдан бу иккала ҳайкал Бангкокда бўлганида (бошқа-бошқа ибодатхонада), ўша ҳудудда гуруч ҳосил бермаган, ҳайкаллар ўртасида рақобат бўлган деб ҳисобланган. Ҳайкалларнинг шунга ўхшаш хулқ-атворлари сабабининг анъанавий изоҳи, бу – ҳар бир тасвирда яшовчи қудратли рухларнинг ҳайла-найранглари деб тасдиқлашга олиб боради.

Сўнгги пайтларгача Будда тасвирлари – бу тирик буюмлар деган тушунча кенг тарқалган. Одатда ҳайкал устида олиб борилган иш тугагандан кейин у жонсиз буюм деб ҳисобланган; “кўзларини очиш” маросими (бу буддизмдан ўзлаштирилган брахманликка оид маросим) ёрдамида унда ҳаётни жонлантириш мумкин бўлган. “Зумраддан ясалган Будда”, “Олтин Будда”, “Ғолибона Қирол”, “Ғолибона Шер”, “Ҳамма нарсадан хабардор Будда” каби энг ҳурматли Будда ҳайкаллари билан, қандай қилиб қон кўз ёшлари билан йиғлаганликлари, ўзларининг яраларини даволаганликлари, эътиқодчиларга нутқ билан мурожаат қилганликлари ва ҳ.к. тўғрисида кўпгина мўжизавий тарих улар билан боғлиқ. Ибодат ва у билан боғлиқ диний маросимлар бўйича

³⁹ “Зумраддан ясалган Будда” (Баландлиги 66 см. ўтирган ҳолатдаги Будда ҳайкали ярим шаффоф яшил ранг тош – халцедондан ясалган) энг қадрли ҳайкаллардан бири ҳисобланади. Бу ҳайкалнинг пайдо бўлиш тарихи баҳсли, гарчи Р. Линга и Р. Ле Майлар, Чиангсан усталари томонидан ясалган деб ҳисоблайдилар. Афсоналарга кўра эса мазкур ҳайкал Атбоки даврида Ҳиндистонда “туғилган” кейинчалик Цейлонга, у ердан Ангкорга, кейин у мантикий равишда Аютида, Лампангда ва ниҳоят Чиангмайда бўлди.

Будда тасвири тотемистик ва анимистик эътиқодлар билан бирга тантрик ва шиваистик тушунчаларига мувофиқ келади. Эътиқодчилар исталган мақсадларига эришиши ёки турли фалокат ва мусибатлардан уларни ҳимоя қилишда ҳайкалдан ёрдам сўровчиларнинг кўпгина ҳатти-ҳаракатлари шу нуқтаи назарлар билан тушунтирилади⁴⁰.

⁴⁰ Тай буддизми маросимлари ва расм-русмлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар учун қаранг: Иванова Е. В. Тайские народы Таиланда. М., 1970. С. 129-133.

ХУЛОСА

Юқорида кўриб чиқилган воқеа-ҳодисалардан келиб чиқиб қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

- Ғарбий Ҳиндихитой ҳудудида буддизм маданияти қарийиб эрамининг II асридан бошлаб тарқала бошлайди. Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудида буддизмининг пайдо бўлиши ҳинд колонизацияси билан боғланади;

- VI асргача Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида буддизм Ҳиндистонда бўлгани каби бир-бирлари билан мунозарали кескин кураш олиб борган турли мактаб издошлари томонидан таништирилди;

- пураник динлар оммавий шуурга суқилиб кирмасдан, фақатгина ижтимоий тузум ва бошқарувнинг ташқи тузилишини белгилаб берди;

- Жанубий-Шарқий Осиё ҳиндлаштирилган давлатлари ҳукмдорлари ўзларининг аҳолисига пураник диннинг бир қисми сифатида дхармашаstra билан тенглаштирилган ахлоқ қоидаларига риоя қилишга буйруқ бердилар;

- айнан дхарманинг одоб-ахлоқ қоидалари сифатида тарқалишини бу давлатлар аҳолиси томонидан буддизмининг тез суръатда ўзлаштирилиши деб изоҳлаш мумкин. Дхарманинг кўпгина концепциялари айнан буддизм асосида ишлаб чиқилган ва унинг ижтимоий моҳиятини вужудга келтирган;

- VII асрдан бошлаб маҳаллий энг сара намоёндалар пураник динлар, буддизм ва жайнизм назариясининг яқинлашувига катта роль ўйнаган Ҳиндистон “мунозара мактаблари” деб номланган мактабларда ишлаб чиқилган буддизмининг теологик таълимотини қабул қила бошладилар; эҳтимол, шунга ўхшаш монастыр “мунозара мактаблари” Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида ҳам мавжуд бўлган;

- V-VI асргача Жанубий-Шарқий Осиёнинг айрим мамлакатларида олимлар V асрда яшаб ўтган Буддагхоши и Жаммапалининг ишлари туфайлигина маълумотга эга бўлган, хинаян буддизмининг тхеравадинлар тариқатининг тарқалганлиги тўғрисида даргумон далолат беради;

- ҳозирги Тайланднинг шимолий қисмида тхеравада буддизмининг ва кейинчалик сингал буддизмининг тарқалиши Шин Арахан ва унинг издошлари номи билан боғлиқ;

XI асрда Паган бирма қироллари Бодхига билан дўстлик алоқаларини тутиб турдилар. Улар хинаян мактабига мансуб Будда тасвирининг янги шаклини (Бирма учун янги) олиб кирдилар. Бу тасвир шакли Сиамнинг шимолига қадар кириб борди ва сиам мактабининг асосига айланди. Аммо кейинчалик сиам мактабига Цейлон мактабига мансуб Будданинг янги шакли кучли таъсир кўрсатди.

- XIII асрдан бошлаб ғарбий Ҳиндихитой ҳудудида узлуксиз равишда сингал буддизмининг шаклланиши рўй берди;

- Буддизмининг сингал таълимоти ва Сукхотай диний маданияти қисқа муддат ичида (100 йилдан камроқ) Таиланднинг барча ҳудудида устунлик қилди;

- Буддизм диний-маданий мажмуа тушунчалари ва диний маросим амалиёти сифатида бўлган бошқа будда мамлакатларида, бу ҳаракат ислохат

хусусиятини касб этган, тай давлатида эса бу жараён диний-ахлоқий амалиёти вужудга келишининг асоси бўлди;

- Гарчи Таиланд, Вьетнам, Лаос ва Кампучияда барча палий канонлари тан олинсада, бироқ ахлоқ хулқи қоидалари билан боғлиқ бўлган матнлар тарғиб қилинади, дхарма (таълимот) эса асосан Будда ва унинг издошларининг кундалик ҳаётидаги сифат хулқи талқин қилинади яъни устоз ва унинг шогирдларининг ҳаёт тарзи дхарма сифатида қаралади;

- Дунёқараш сифатида тай буддизмининг ўзига хос хусусиятлари, фикримизча, айнан будда фалсафасининг тизимли тугалланишини ва этика ва худосизлик билан нирвана - сўнги мақсадга эришишни билдиради. Тай буддизмининг асосий вазифаси, бу дин мухлисларни нирвана даражасига яқинлаштириш эмас, уларни диний одоб қоидаларига тутиб туриш ҳисобланади;

- Жанубий Шарқий Осиё «Виная-питака», «Сутта-питака» ва «Абхидхамма-питака» - палий канонларинининг учала қисмидан «Сутта-питака» айниқса энг машҳурдир. Унинг афзаллиги обод-ахлоқ панд-насиҳатларини ўз ичига олувчи матнларга асосий эътибор қаратилади;

- Будда йил ҳисоби бўйича XV аср 2000 - йиллик билан тўғри келган, яъни “илоҳий диний китобларни ўқиш бас қилади” деган назарияга мувофиқ, “даҳшатли замон” яқинлашиб келади. XV асрда Жанубий-Шарқий Осиё будда динига эътиқод қилувчи ҳукмдорларининг ва роҳиблик жамияти диний фаолиятининг кескин кучайиши кузатилади.

- XV аср учун одатда “илк Чиангсан мактабига” тегишли бўлган “шер” тури, “сўнги Чиангсан мактабига” тегишлиликни билдирган аралаш тур каби Будданинг икки тур тасвири бир мунча кўпроқ тарқалган эди;

- Буддизмнинг диний –ахлоқий тушунчалари хусусан, будда тарихи, ривоятлари, мақол ва маталлари орқали, шунингдек диний-этик-ахлоқий йўналишини аниқ ифода этувчи айрим машҳур мумтоз адабий асарлар орқали тай аҳолиси орасида тарқалди;

- Жануби-Шарқий Осиё халқлари сарвастивадинлар санскрит матнлари орқали I минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб илк бор айрим будда сутраларини ўзларига мослаштирдилар;

- Жанубий-Шарқий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган айрим будда ривоятлари, композицияси ва сюжети бўйича ва тасвирий-ифодалар тил воситаси бўйича ўзининг ҳинд прототипидан сезиларли даражада фарқ қилган;

- будда ривоятларининг ёзма матнлари брахман веда ёки Ҳиндистоннинг эпос асарларидан эмас оғзаки-эпик ва санскрит ва пали тилларида ёзилган адабий шеърӣ будда матнларидан бевосита ўзлаштирилган;

- Аютия даврида будда монастирлари маҳаллий жамиятни бирлаштиришни ва аниқлаштиришни бошлайди. Монастирлар деҳқонлар маънавий тарбия ва таълим оладиган жой бўлган;

- Таиланд, Вьетнам, Бирма ва Лаос будда монастирларида вужудга келган адабиётлар ҳажм жиҳатидан анчани ташкил қилади. Уларда кўпгина адабий жанрлар – фольклор асарларидан тортиб то муаллифлик ижод

асарларигача ўрин олган. Бундай кўп хилли адабий шакллар будда сангха-жамияти ижтимоий таркиби билан боғланган;

- сангханинг барча аъзолари ўзлари ўртасида расман тенг ҳисобланган ва турли ижтимоий қатлам вакиллари бир-бирлари билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлга;

- Моанстирларда вужудга келган машҳур будда адабиётлари ва кенг тарқалган ҳикоя ва қиссаларнинг мазмун моҳиятининг таҳлили, тай халқида эклектик (турлича қарашларни, назарияларни бир-бирига ўзбошимчалик билан қориштириб юбориш) диний тасаввурнинг мавжудлигини кўрсатади;

- Тайландда анимизм ва буддизм каби эътиқоднинг икки тизими мавжуд;

- Таиланд дини ҳақида гап кетганда, уни анимистик-будда тизими тасаввурлари деб аташ тўғрироқ бўлади;

- Мазкур диний тизим буддизмнинг ахлоқий этик концепцияси, Кўпгина палий канонлари матнларида маълум бўлган, худолар, иблислар, бодхисаттвларнинг (ёки архатлар) ғайри табиий лаёқатлари тўғрисида илк будда тушунчалари асосида, тантрик буддизми ва пураник дини амалиётлари, сеҳргарлик-анимистик амалиётлари негизида барпо бўлган сеҳргарлик расм-русумлари ва диний маросимлар даражасидаги тай анимистик тасаввурлари билан бир-бирига боғлиқ;

- Тай буддизмининг диний мажмуасида «бун и баб» концепцияси марказий ўринни эгаллайди;

- Тай буддизмининг бу барча эътиқод тизими ҳозирги вақтда ягона диний мажмуани ташкил этади. диний маросимлар ва юқорида қайд қилинган динлар концепциясининг аралашуви натижасида илмий баён қилиш ўта мураккаб.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ.

Ўзбекистон Президенти асарлари

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Асарлари. Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. VII.

Манбалар

2. Сюань-цзан. Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи). М., 2012
3. Дхаммапада. Пер. В. Н. Топорова. М., 1960.

Тадқиқотлар

4. Бонгард-Левин Г. М., Ильин Г. Ф. Древняя Индия, М., 1969.
5. Грюнведель А. Сцены из жизни Будды в «Трай-пум». СПб., 1904.
6. Иванова Е. В. Тайские народы Таиланда. М., 1970.
7. История Индии в средние века. М., 1968.
8. Корнев В. И. Литература Таиланда, М., 1971.
9. Корнев В. И. Тайский буддизм. М., 1973.
10. Корнев В. И., Древнеиндийская легенда о киннаре у народов тай // Индия в древности. М., 1964.
11. Корнев В. И. Буддизм // Вопросы истории. 1970. № 12.
12. Ожегов С. С. Архитектура Бирмы. М., 1970.
13. Ребрикова Н. В. Очерки новой истории Таиланда. М., 1966.
14. Седов Л. А. Ангорская империя. М., 1967.
15. Седов Л. А. Буддизм: религия, политика и традиция // Азия и Африка сегодня. 1967. № 8.
16. Современный Таиланд, М., 1958.
17. Фрэнсер Дж. Золотая ветвь. М., 1928.
18. Холл Д. Дж. История Юго-Восточной Азии. М., 1958.
19. Штейн В. М. Экономические и культурные связи между Китаем и Индией в древности (до III в. н. э.), М., 1960.
20. Bastin J., Benda H. J. A History of Modern South-East Asia. Colonialism, Nationalism and Decolonization. New Jersey, 1968.